Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA 2022-YIL 26-AVGUST, JUMA № 33-34 (1400)

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/

электрон газетанинг QR кодини ўзингизга юклаб олинг!

# “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!”



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти,
тарих фанлари доктори, профессор

## ЎЗБЕКИСТОН — САУДИЯ АРАБИСТОНИ: ИЛМИЙ-МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКЛАР ТАДРИЖИ

Гарчи мамлакатларимизни азалдан тарихий, маданий ва диний ришталар боғлаб келган ҳамда икки давлат ўртасида иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд бўлса-да, улардан яқин йилларгача унумли фойдаланилмаган эди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Саудия Арабистони билан алоқалар батамом янги даражага олиб чиқилди.

2016 йилдан Ўзбекистонда бошланган очиқ ва конструктив ташқи сиёсат шароитида араб давлатларига нисбатан қарашлар ўзгарди. Ўзбекистоннинг араб давлатларидаги ташқи сиёсати минтақа атрофида барқарорлик ҳамда хавфсизлик белбоғини барпо этиш масалаларини ўз ичига олган.

Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасидаги гуманитар алоқалар асосан маданият, таълим, фан, спорт ва дин каби соҳаларни қамраб олади.

Ҳар йили Саудия Арабистонига Ўзбекистондан кўплаб зиёратчилар келиб, Ҳаж ва Умра зиёратларини адо этишмоқда, уларнинг сони йилдан-йилга ортиб боряпти.

Ўзбекистон — Саудия Арабистони алоқалари Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган асосий вазифалар ҳамда Саудия Арабистонида қабул қилинган “Vision 2030” (Нигоҳ 2030) дастурида белгиланган режаларга мувофиқ амалга оширилмоқда.

3




## БОҚИЙ ШАҲАР АБАДИЯТИ

Ҳар йили мамлакатимизда бир неча юзлаб катта иморатлар, йирик корхоналар, шаҳарсозлик мажмуалари, марказлари, даҳалари, обод қишлоқ ва маҳаллалар, равон йўллар, йўл ўтказгич иншоотлари, илм-фан даргоҳлари барпо этилади. Уларнинг аксариятининг очилиш маросимлари юртимиз, халқимиз ҳаётида ниҳоятда улуғ бўлган Мустақиллик байрами арафасида амалга оширилади. Бу анъана Янги Ўзбекистоннинг янги бунёдкорликлари, яратувчиликлари жараёнида ҳам давом этмоқда. Жорий йилнинг Мустақиллик объектларини топшириш маросими 23 август куни Самарқанд шаҳридаги “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази ва “Боқий шаҳар” мажмуасидан бошланди. Марказ ҳамда мажмуа очилишида республикамиз Президенти қатнашди ва халқимизни амалга оширилган бунёдкорликлар билан қутлади.

**Самарқанд ҳамма даврларда барча халқлар томонидан гўзал маскан, обод шаҳар сифатида эътироф этилган. Абулқосим Ибн Ҳавқал “Юксак ердан туриб назар солсангиз Самарқанд гўзал иморатлари, ғаройиб боғлари, бетимсол қўрғонлари билан одамни ҳайратга солади. Буюк-буюк бинолари олдида лол қоласиз. Ложувард тусли фалак дунё юзига томоша кўзини очгандан бери бунга ўхшаш гўзал ва безакли иморатларни кўрмаган”, деб ёзган эди. Бу сўзлар олис тарихда, ўрта асрларда айтилганди. Ўша даврларда амалга оширилган бунёдкорликлар Самарқандни Шарқнинг гавҳарига айлантирганди. Бугунги кунда амалга оширилаётган қурилишлар, яратувчиликлар шаҳарнинг “рўйи замин сайқали” эканлигини яна бир бор намоён этмоқда.**

4

### Фракция йиғилиши

## Қонун лойиҳаси қандай ўзгаришларни назарда тутмоқда?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

2

### Муносабат

## МУСТАҚИЛЛИГИНГ АБАДИЙ БЎЛСИН, ОНА ХАЛҚИМ!

Самарқанддаги Халқаро туризм марказининг очилишига бағишланган байрам тадбирида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев **“Халқимизнинг ақл-заковати ва фидокорона меҳнати билан бунёд этилган ушбу мажмуа Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги яна бир салмоқли, зафарли натижа бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Қадимий ва навқирон Самарқанд бағрида қад ростлаган мана шундай замонавий, улуғвор меъморий мажмуа барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин, буюрсин!"** деб таъкидлаганида барчанинг қалбига ҳаяжон тўлди.




2

### Машҳурларнинг аёллари

## Замонамизнинг академик ҲАЙКАЛТАРОШИ



Болага чиройли исм қўйиш ота-онанинг вазифаси, дейишади. Чунки исм унинг тақдирига дахл қилар экан. Бу гап ҳақиқатга нечоғлик яқин?

Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби, профессор, таниқли ҳайкалтарош Илҳом Жабборовнинг ижод йўлига назар солар эканмиз, бу фикрда ҳикмат борлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Чунки унинг ҳар бир куни ижод ва илҳом билан чамбарчас боғлиқ. Ватанимизнинг энг обод манзиллари, замонавий бинолар қад ростлаган гўзал шаҳарларнинг барчасида моҳир ҳайкалтарошнинг ижод маҳсули уларнинг кўркига кўрк қўшиб турганининг гувоҳи бўласиз ва у яратган ҳайкаллар тимсолидаги буюк сиймолар пойига гул қўйишга шошиласиз. Пойтахтимиздаги “Эзгулик” ва “Мустақиллик” монументи, Хотира майдонидаги “Мотамсаро она”, “Бахтиёр она” ҳайкали, “Фурқат”, “Амир Темур” ҳайкаллари ҳамда Биринчи Президентимиз “И.А.Каримов” ҳайкали, “Хаёл”, “Оқшом”, “Дам олиш”, “Фалакнинг гардиши”, “1941-45 йиллар”, Ургутдаги “Навоий”, Намангандаги “Машраб”, Самарқанд ва Шаҳрисабздаги “Амир Темур”, Фарғонадаги “ал-Фарғоний”, Тошкентдаги “Она”, Урганчдаги “Жалолиддин Мангуберди”, Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қувоқовнинг бетимсол қиёфаси...

Замонамизнинг буюк ҳайкалтароши Илҳом Жабборовнинг севимли рафиқаси, театршунос **Татьяна ЖАББОРОВА** билан суҳбатимиз ижодкор билан босиб ўтган умр йўллари, бетимсол асарларининг яратилиш жараёни, ижодкорнинг турмуш тарзи, икки миллат вакилининг ярим асрдан зиёд муҳаббат билан суғорилган ҳаёти ҳақида бўлди.



8

### 31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

## НОСИРХОН ТЎРА ВА САФДОШЛАРИ ТАҚДИРИ

**1929 йил баҳорида Носирхон Тўра Авлиёота ва Пишпек шаҳарларида бўлиб, муридлари ва шогирдлари билан учрашган. У 1929 йил 29 октябрда Ранжитда қизил аскарлар билан бўлган жангда ярадор бўлиб, Мозор қишлоғида даволанади. У Дадабой, Мадумар, Истамбек, Мирвали каби қўрбошилар билан қурултой ўтказиб, Фарғона водийсида совет режимига қарши кураш тактика ва стратегиясини ишлаб чиқади. 26 июнда Тўрақўрғондаги Қоратов этагида Носирхон Тўра ва одамлари билан қизил аскарлар ўртасида жанг бўлиб, унда содиқ дўсти ва шогирди Истамбек қўрбоши ҳалок бўлади. Носирхон Тўра ўғиллари Ҳасанхон ва Эшон Дадахон билан Кошғарга кетаётганда, 1930 йил 15 июлда Ўш округи ГПУ ходимлари томонидан қўлга олинади.**

**... у қўзғолончиларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида музокара олиб бориш учун Польшага вакил юборишни тайёрлаган ва бу мақсад учун пул маблағлари тўплаган.**

7

Муносабат



Музаффара АБДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси

# Солиқ юкининг камайтирилиши

## тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшигини очади

Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда тадбиркорларнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис, кейинги йилларда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида комплекс тарзда институционал ва таркибий ислоҳотларни амалга оширишда давлат идораларининг тадбиркорлар фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини қонун доирасида ҳимоя қилиш ҳамда хусусий мулкнинг устуворлигини янада кучайтириш ислоҳотларимизнинг бош мезонига айланди.

Буни икки йилдан буён мунтазамлик касб этиб келаётган давлатимиз раҳбарининг юртимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан ўтказаётган очиқ мулоқотлари ҳамда унда илгари сурилаётган ташаббуслар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, яқинда Президентимизнинг тадбиркорлар билан навбатдаги очиқ мулоқоти ўтказилди. Мулоқот аввалида бир гуруҳ фаол тадбиркорлар мукофотланиб, амалга оширилаётган ислоҳотларда тадбиркорларнинг ўрни юқори эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, бу галги мулоқотда ҳам тадбиркорлар фаолиятини янада кенгайтириши, юқори даромад олиб, кам солиқ тўлашига оид бир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Хусусан, учрашувда корхоналарни тоифаларга ажратиб, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашув белгиланиши маълум қилинди. Яъни, корхоналар йиллик айланмаси бўйича тоифаларга ажратилиб, 1 миллиард сўмгача бўлгани микро бизнес, 10 миллиард сўмгача бўлгани кичик бизнес, 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киритилиши ташаббус қилинди.

2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинадиган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига ягона 4 фоизли солиқ ставкаси жорий этилади. Шунингдек, олис ҳудудлардаги ва алоҳида тоифадаги тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоизли ставкалар сақлаб қолинади ёки улар ихтиёрий равишда йилига 20-30 миллион сўм тўласа, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ идораларига тақдим этиш мажбуриятидан озод этилади.

Айланмаси 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган корхоналар бир йил давомида фойда солиғини 2 баробар кам тўлайди. Бу эса, айни кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 370 минг тадбиркорга енгилликлар яратади. Шу билан бирга, тез ўсиб бораётган юқори салоҳиятли ўрта корхоналар сонини ҳозирги 3,5 мингтадан 10 мингтага етказиш имкониятлари кенгаяди.

Бу борадаги яна бир қулайлик, 2023 йил 1 январдан кичикдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солиғининг фақат 50 фоизини тўлайди. Мулкни суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилади. Соддалаштирилган солиқ, молиявий ва статистика ҳисоботлари жорий этилиб, давлат харидларида 20 фоиз квота ўрнатилиб, ушбу харидлар доирасида уларга олдиндан 50 фоиз маблағ тўлаб берилади. Амалда бу кўрсаткич 15 фоизни ташкил этиб келмоқда.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегияси доирасида бизнес учун солиқ юкини тушириш сиёсатининг амалга оширилиши натижасида қўшилган қиймат солиғи ставкаси амалдаги 20 фоиздан 15 фоизга туширилган эди. Учрашувда кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси кичик ва ўрта бизнес учун энг муаммоли масалалардан яна бири бўлиб қолаётганлиги ҳисобга олиниб, 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизга туширилиши маълум қилинди.

Шунингдек, жорий йил 1 июлдан бошлаб бўш бино, фойдаланилмаётган ер участкасига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш бекор қилинган эди. Шу билан бирга, аввал ошириб ҳисобланган 19 минг тадбиркорнинг солиқ ставкалари бўйича ҳисобланган 2 триллион сўмлик қарзларидан бутунлай воз кечиладиган бўлди.

Ушбу имкониятлар минглаб тадбиркорларимизга оширилиб ҳисобланиши мумкин бўлган солиқлардан қочган ҳолда ўз даромадлари ҳажмини камайтириб кўрсатиш учун бир қанча фирмалар очиш, турли хилдаги кўп даромад келтирувчи йўллардан фойдаланишига эҳтиёж қолдирмайди. Бу эса барча тадбиркорларда қонун доирасида мамлакатимиз иқтисодиёти ва ривожи учун ҳисса қўшишдаги дахлдорлик ҳиссини оширади.

Соҳадаги ислоҳотлар ўз навбатида биз, халқ вакиллари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Сабаби, учрашувда билдирилган ҳар бир ташаббусни қонунларимизда акс эттириш, бунда қонунчиликка киритилаётган ҳар бир ўзгартиришларни тадбиркорлар ўз фаолиятида бюрократик тўсиқларсиз фойдаланадиган норма сифатида акс эттириш муҳим саналади.

# МУСТАҚИЛЛИГИНГ АБАДИЙ БЎЛСИН, ОНА ХАЛҚИМ!

1

Марказдан ўрин олган "Боқий шаҳар" мажмуаси билан танишар эканмиз, инсон қўли гул деган ибора ҳақлигига яна бир бор амин бўлдим.

Самарқанд – миллий давлатчилигимизга асос бўлган, тарихимиздаги иккала Ренессанс даврида ҳам муҳим ўрин тутган шаҳар. Шу боис ушбу азим шаҳарни, қадимий обидаларни кўриш ва табаррук жойларни зиёрат қилиш учун ташриф буюрувчи сайёҳлар талайгина бўлсада, туризмнинг бошқа йўналишлари учун замонавий мажмуалар йўқ эди.

2019 йилда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқанд туманидаги эшкак эшиш канали бўйидаги 212 гектар очиқ майдонда ана шундай замонавий туризм марказини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Ўзбек халқининг миллий меъморчилик анъаналари асосида, ташриф буюрувчиларга ҳар томонлама қулайлик яратиш йўлида бунёдкорлик ишларига малакали қурувчиларимиз билан бирга Туркия, Буюк Британия, Италия каби давлатларнинг етук мутахассислари ҳам жалб этилди.

Шу қисқа давр ичида инсонга завқ ва ғурур бағишлайдиган улкан мажмуа қад ростлади. Марказдан 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, "Боқий шаҳар" мажмуаси, амфитеатр ва кўплаб бошқа иншоотлар сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун шай ҳолатда. Шу билан биргаликда ушбу марказда халқимизнинг миллий анъаналари, қадриятларига йўғрилган, миллийлик нафаси уфуриб турадиган қадимий бозор, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос ҳунармандлик устахоналари ташкил этилган. Унда усталар ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиш каби жараёнларни сайёҳларга намойиш этиши кўзда тутилган.

Айниқса, азим шаҳримизнинг жаҳонга янада кенг танилишига йўл очадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари учрашуви каби нуфузли халқаро тадбирларнинг ҳам шаҳримизда бўлиб ўтиши биз, самарқандликларда катта фахр ва ифтихор ҳиссини уйғотади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу шукуҳли онлар, фаровон кунлар истиқлол сабабли. Дарҳақиқат, мустақиллик, истиқлол эл-юртимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, қадр-қимматини англаб, муносиб ҳаёт кечириш, юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва "Инсон манфаатлари улуғвор" бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиш имкониятини яратди. Кўҳна тарихимиз, бой маъданий меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, она тилимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Имом Бухорий, Имом ат-Термизий каби алломаларнинг меросини ўрганиш, улар абадий ором топган масканларни обод манзилларга айлантириш борасида беқиёс ишлар амалга оширилди. Албатта, мамлакатимизда қай соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар бўлмасин, уларнинг асосида инсон манфаатлари, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан тараққиёти ва фарзандларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги каби бир-биридан улуғ мақсадлар мужассам эканлигига гувоҳ бўламиз.

Мустақиллик барчамизга янгича яшашни ўргатди. Мана, қаранг, биргина деҳқончиликни олайлик. Бугун даромад бошқача. Иккита уйнинг биттасида машина бор. Даромадидан данғиллама уйлар солаяпти. Аҳолининг кайфияти аъло. Бугун шаҳримиз улкан қурилиш ва ободонлаштириш майдонига айланган. Марказий кўчаларни айланар экансиз, бир-биридан кўркам намунали уйлар, савдо объектлари, уларга монанд йўлаклар ҳамда хиёбонларга кўзингиз тушади.

Албатта, бу каби ислоҳотлар, янгиланишлар барча юртдошларимиз каби мени ҳам қувонтиради. Айниқса, бугунги кунда сўз эркинлиги, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш, одамга одамдек яшаш имконини яратиш, инсон манфаатларини улуғлаш каби муносабатлар одамда яшамоққа, ҳаётга ва Ватанга бўлган муҳаббатни, гўзал иштиёқни жўштирмоқда, десам хато бўлмайди.

Мустақиллик, озодлик олий неъмат, биз мустақил эканмиз, ўз сўзимизни эркин айта оламиз, фикримизни билдира оламиз, ўз ҳуқуқимизни талаб қила оламиз, биз мустақил эканмиз бизни эшитишади. Унутмайликки, шу юрт, шу Ватаннинг ҳар гарди кўзга тутиё, дардимизга малҳам бўла олади. Шу боисдан ҳам ёшларимизни, фарзандларимизнинг Ватан чақириғига, эл корига ярайдиган бўлиб улғайишларида масъуллигимизни унутмаслигимиз шарт. Бинобарин, тарихи қадимий минг йилликларга бориб тақаладиган бу халқнинг ҳар бир юмушига, чақириғига лаббай деб ҳозир бўлсак, юмушига елка тутсак, биз ер юзидаги энг бахтиёр ва қудратли халққа айланамиз.



Муҳиба БАБАБЕКОВА,
халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати,
"Адолат" СДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси

# Қонун лойиҳаси қандай ўзгаришларни назарда тутмоқда?

1

Унда дастлаб "Волонтёрлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига волонтёрлик фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда волонтёрлик дунё бўйлаб жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Бу ҳолат биринчи навбатда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ. Давлатнинг волонтёрлик фаолиятини қўллаб-қувватлаши нафақат муҳтожларга самарали ёрдам беришга, балки бутун жамият тараққиётига ҳисса қўшади. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалардан асосий мақсад — волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органини белгилашдан иборат.

Қонун лойиҳаси билан Ёшлар ишлари агентлиги волонтёрлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланмоқда. Унинг ушбу йўналишдаги ваколатлари ўз аксини топмоқда. Шу билан бирга, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг волонтёрлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси ташаббускорлари қайд этишича, лойиҳанинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон Республикасида волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органини белгилашга, бу орқали давлат органлари, бошқа ташкилотларга волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш бўйича услубий ва маслаҳат ёрдамини кўрсатиш, давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотларнинг волонтёрлик фаолияти соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиришга олиб келади.





Давлат бошқаруви органларининг волонтёрлик фаолияти соҳасидаги аниқ ваколатлари назарда тутилаётганлиги соҳани тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган ваколатларни тизимлаштириш, волонтёрлар фаолиятини рағбатлантириш ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Қизғин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда "Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри Давлатобод туманининг, шунингдек, Наманган шаҳрининг чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Маърузада таъкидланганидек, лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Наманган шаҳрида "Янги Наманган шаҳарчаси" замонавий ишбилармонлик маркази ва туражойлар комплексини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Мазкур ҳужжат Наманган шаҳрининг меъморий қиёфасини янада яхшилаш ва ободонлаштириш, шаҳарнинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, замонавий бизнес, молиявий ва туристик инфратузилмаларни жадал ривожлантиришни таъминлаш ҳамда сервис хизматлари турини, сифатини оширишга хизмат қилади. Депутатлар қарор лойиҳасини бир овоздан маъқулладилар.

Йиғилишда "Давлат молиявий назорати тизими ҳамда беғараз ёрдам доирасида келтирилган тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган қонун ва қарор лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда таклиф ва муносабатлар билдирилди ва кун тартибидаги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

# "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз"

"Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгаши фаоллар залида Мустақиллигимизнинг 31 йиллик шодиёнасига бағишланган "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда партия вилоят кенгаши масъуллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, Ёшлар парламенти ва "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари, партия фаоллари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни партия вилоят кенгаши раиси Мақсуд Ҳамидов кириш сўзи билан очиб берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партия Сиёсий Кенгаши "Ёш адолатчилар" қаноти раиси Муҳаммаджон Валиев ўз чиқишида мамлакатимизда халқ манфаати, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг маъно-мазмуни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислоҳотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳамда юртимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари кишида ўзгача бир шукроналик ҳиссини мавжлантиради. Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса-авлод вакиллари, ижтимоий-ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижалари ҳаётий мисоллар орқали очиб берилди.



Шунингдек, партиямиз дастурий мақсад ва ғояларини ҳаётга татбиқ этишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар берилиб, партия ғояларини Конституциямизга киритилиши кутилаётган ўзгариш ва янгиланишларда ҳам кўришимиз мумкинлиги тўғрисида сўз юритилди. Албатта, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишлар, аввало, инсон қадри ва унинг фаровон ҳаёти учун қилинаётган эзгу амаллар эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Айтилганидек, бугун Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичига қадам қўйди. Бу йўлда у жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ва йирик халқаро ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, хорижий давлатлар билан дўстона ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларини ривожлантириш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси халқимизнинг тинчлиги, истиқболи, бунёдкорлигига қаратилганлиги эътироф этилди. Юртимизда камолга етаётган ёш авлод вакиллари қалбида Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч, садоқат, бунёдкорлик туйғуларини янада жонлантириш муҳим вазифалардан бири эканлиги қайд этилди.

Тадбирдан сўнг Муҳаммаджон Валиев партия Бухоро вилоят кенгаши "Ёш адолатчилар" қанотининг фаолияти билан яқиндан танишиб, фаолиятни янада ривожлантириш борасида ўзининг таклиф ва тавсияларини берди.

**Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати**

# ЎЗБЕКИСТОН — САУДИЯ АРАБИСТОНИ: ИЛМИЙ-МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКЛАР ТАДРИЖИ






Ар-Риёд манзаралари

## “VISION 2030” ДАСТУРИ

“Vision 2030” (Нигоҳ 2030) номи билан маълум бўлган дастурда 2030 йилгача Саудия Арабистонини мисли кўрилмаган даражада ривожлантириш, уни Яқин Шарқнинг мустаҳкам ва мутлақ биринчи молиявий марказига айлантириш, араб-мусулмон дунёсида етакчилик мақомини мустаҳкамлаш ва шу орқали жаҳонда етакчи иқтисодий куч марказларидан бири мақомига эришиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Саудия Арабистонининг иқтисодий келажаги учун пойдевор вазифасини ўтаётган “Vision 2030” янгиланаётган Ўзбекистоннинг ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин.

“Vision 2030” дастури доирасида Саудия Арабистони Ўзбекистонга янгича нигоҳ билан қараётгани ҳамкорлик алоқаларига фаоллик тусини бермоқда. Ҳамкорликни ривожлантириш йўлида ўндан ортиқ истиқболли режалар тайёрланаётгани ҳисобга олинса, Ўзбекистон – Саудия Арабистони муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга чиқди, деб айтиш мумкин. Бинобарин, Саудия Арабистони Ўзбекистон энергетика бозорида фаоллашмоқда.

2021 йилнинг 23 январида Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон – Саудия Арабистони бизнес-форуми ва Ўзбекистон – Саудия Арабистони ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиғилишида ҳам ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш бўйича ўнлаб келишувларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва подшоҳ Файсал номидаги Ислом тадқиқотлари маркази ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

## АРАБИСТОНДА “ЎЗБЕК ДИАСПОРАСИ”

Арабистонда “ўзбек диаспораси”нинг вужудга келиши Совет тузумининг ноинсоний сиёсати ва мислсиз қатағонлари билан боғлиқ. Совет жамиятида зиддиятларга тўла, XX асрнинг 20–30-йилларида ўзбек миллати вакилларидан минглаб кишилар хорижий мамлакатларга, жумладан, Арабистонга чиқиб кетишга мажбур бўлган. Араб манбаларининг кўрсатишича, 1909 йилда бухорийлар сони Маккада 20 мингдан зиёдни ташкил этиб, жами Макка аҳолисининг 13,3 фоизини ташкил этган. Улар Маккадаги энг катта хорижий диаспора деб тан олинган. 1917 йилдаги октябрь революциясидан кейин бу рақам кескин ошиб борган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Арабистонга бориб қолган ўзбеклар асосан, аввал Афғонистон ва Хитой Халқ Республикаси ҳудудида яшаган.

Архив ҳужжатларининг маълумотича *“XX аср 60-йилларида Саудия Арабистони ва Миср Араб Республикасида 37 минг сонли туркистонликлар яшаган”.* Манбаларда ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қозоқлар биргаликда бир ном билан “туркистонликлар” деб аталади. Юртдошларимиз ўзларининг исм-шарифларига у ёки бу шаҳарларимиздан бирини қўшиб айтишган. Шунинг учун улар “Бухорий”, “Фарғоний”, “Андижоний”, “Самарқандий”, “Марғилоний”, “Насафий”, “Наманганий” деб ўзларини таништиришлари бежиз эмас. ***Кўп ҳолларда эса ватандошларимиз Ўрта Осиёдан эканликларини билдириш мақсадида “Туркистоний”, “ал-Бухорий” номларини ўз исм-шарифларидан кейин қўшиб қўйишади. Ислом дунёсида Имом ал-Бухорийнинг мавқеи ва обрўлари шу қадар баландки, юртдошларимиз Ўзбекистондаги қайси жойдан келиб чиқмасин, уларни “бухорийлар” деб аташади. Саудия Арабистонида ҳам “бухорийлар” кўпчиликни ташкил этади. Аввало, ҳозирда Саудия Арабистонидаги ўзбеклар сони ҳақида бироз мулоҳаза билдириб ўтсак.*** Биз учратган китоб ва мақолаларда улар ҳақида турлича маълумот берилади.

“Муборак ҳаж сафари” китобининг муаллифи Нуруллохон Ҳожи Абдуллоҳ ўғли *“Саудияда 400 минг атрофида ўзбеклар яшайди”,* деб ёзади. Саудия Арабистони фуқароси, муҳожир ўзбек, марҳум Абдулвоҳид Ясса: *“Жон кетар, ватан кетмас” мақоласида: “Бу мамлакатда 350 минг ўзбек, қозоқ, туркман ва тожиклардан иборат туркистонликлар бор”* деб қайд қилади. Баъзи маълумотларда 500 минг, 700 минг ўзбеклар Саудия Арабистонида яшаши ҳақида хабар берилади. Истеъфодаги генерал Бурҳониддин Марғилонийнинг таъкидлашича, Саудия Арабистони қуролли кучларида ўзбеклардан чиққан 15 генерал ва 80 га яқин офицер (майор ва полковниклар) хизмат қилар экан.

## ИЛМИЙ-МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР

2009 йил Ўзбекистонда Саудия Арабистони маданияти кунлари ўтказилган, жавобан 2010 йилда Ўзбекистон томони ҳам худди шундай тадбирларни аъло даражада Саудия Арабистони пойтахти ар-Риёд ҳамда иккинчи пойтахт мақомидаги шаҳар — Жиддада ташкиллаштирган эди. Унда ўзбек миллий ҳунармандчилик ҳамда тасвирий санъат намуналари кўргазмаси, ўзбек санъаткорларининг чиқишлари саудияликларда жуда яхши таассурот қолдирган.




Қирол Сауд университети

Қирол Сауд университети



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан Саудия Арабистони подшоҳлиги Қирол Абд ал-Азиз номидаги Марказ ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги меморандум ар-Риёд шаҳрида имзоланган. Бу – иккала ташкилот ўртасидаги илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун муҳим замин яратди. Саудия Арабистони томони институт қўлёзмалар фонди лабораториясини таъмирлаш ускуналари билан жиҳозлаш ва ходимларнинг малакасини оширишга амалий ёрдам кўрсатдилар. Бундан ташқари, саудиялик мутахассислар институтга ташриф буюриб, қўлёзмаларни таъмирловчи ходимларга мастер-класс ўқув дарсларини ўтдилар. Айни вақтда институт ходимлари ҳам Саудия Арабистонига бориб, у ерда қўлёзмаларни таъмирлаш борасида ўзларининг малакаларини ошириб қайтдилар. Шунингдек, институт илмий ходимлари ҳам Саудия Арабистонига бориб, ўзларининг ҳамкасблари билан учрашдилар. Учрашувлар асносида Ўзбекистон Республикасида бой маданий ва маънавий меросимизни тадқиқ этиш борасида олиб борилаётган изланишлар ҳамда уларнинг самаралари, хусусан, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, унинг бой қўлёзмалари фонди ва институтда олиб борилаётган илмий изланишлар ҳамда эришилган натижалар, “Марказий Осиё олимларининг ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси”, “Ўзбекистоннинг буюк алломалари ва шаҳарларига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий анжуманлар” каби мавзуларда маърузалар қилдилар. Бу эса, ўз навбатида, Ватанимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий каби буюк алломаларимизнинг нафақат ислом, балки умумжаҳон цивилизацияси қўшган улкан ҳиссаларини кенгроқ ёритишга имкон берди. Подшоҳ Файсал номидаги ислом тадқиқотлари маркази раҳбарияти Шарқшунослик институти қўлёзмалари асосида аждодларимиз бой меросини ўрганиш ва нашр этишга катта эътибор қаратдилар ҳамда уни ҳамкорликда амалга оширишга тайёрликларини билдирдилар. Пировард натижада, институт ташкилотчилигида Марказий Осиё минтақасида Ҳаж ва Умра масалаларига бағишланган нуфузли халқаро анжуман ўтказилди ва институт ходимларининг мақолаларидан иборат алоҳида тўплам шаклида нашр этилди.

Илмий тадқиқот соҳасида ҳам саудияликлар ўз мамлакатлари тарихи ва маданиятига оид Ўзбекистонда сақланаётган қўлёзмаларни ҳамкорликда тадқиқ қилиш мавзусига катта эътибор қаратади. Айниқса, қўлёзма фондларимизда ислом цивилизациясига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг араб тилидаги қадимий асарларини ўрганиш иккала юрт тадқиқотчилари салоҳиятларини сафарбар қилиш учун унумдор майдондир. Хусусан, диний-дунёвий илм тараққиётига мислсиз хизмат қилган Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби олимлар билан бир қаторда Имом Бухорий, Имом Термизий, Абулмуин Насафий каби уламоларнинг илмий меросини ҳамкорликда тадқиқ қилиш икки юрт олим ва тадқиқотчилари учун самарали бўлади. Зеро, аждодлар меросини ўрганиш йўналишида тажриба ва фикрлар алмашинуви, мулоқотлар, илмий баҳслар ўз натижасини беради.

Чунончи, ар-Риёд шаҳридаги “Тадқиқотлар ва маърифий алоқалар” маркази томонидан 2019 йил 9-11апрель кунлари 18 та Осиё давлатидан жами 90 дан зиёд таниқли арабшунослар иштирокида биринчи “Осиё арабшунослиги” конференцияси ўтказилди. Конференцияда Осиё арабшунослигининг Европа арабшунослигидан устун жиҳатлари намоён бўлди. Ўзбекистондан иштирок этган 7 мутахассис ўзбек арабшунослигининг турли қирраларини очиб берди: Ўзбекистонда арабшуносликнинг тарихи ва бугунги куни, Ўзбекистон таълим муассасаларида араб тилини ўқитиш ҳолати, юртимиз қўлёзма фондларида сақланаётган араб қўлёзма асарлари, араб адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари, юртимиздан етишиб чиққан буюк араб тилшуносларининг арабшуносликка қўшган ҳиссалари каби мавзулар шулар жумласидан.

Ўзбекистон — Саудия Арабистони ўртасидаги илмий тадқиқот соҳасида ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш бўйича бир қатор йўналишларда ҳамкорлик қилиш мумкин. Масалан, Ўзбекистон олимлари, хусусан, арабшунослари олдига араб тилини мукаммал ўрганиш ва араб тилидаги қўлёзма манбаларини ҳозирги замон талаблари ҳамда ёшларимизни мазкур илмий ютуқлар билан таништиришга жавоб берувчи шаклда тайёрлаш борасида қўйилаётган вазифаларни амалиётга татбиқ этишда кейинги йилларда Осиё арабшуносларининг навбатдаги халқаро конференцияларидан бирининг Тошкент шаҳрида ўтказилиши Ўзбекистон учун араб мамлакатлари, хусусан, Саудия Арабистони Подшоҳлиги билан ўзаро манфаатли алоқалари янада ривожланишига қулай имконият яратади.

“Янги Ўзбекистонда янги Ренессанс истиқболлари” мавзусида саудиялик мутахассислар билан халқаро симпозиумлар ташкил этиш, мамлакатлар қўлёзма фондлари ўртасида маълумот алмашинуви, хусусан, юртдошларимиз томонидан XX асрнинг бошларида Арабистон диёрларига олиб чиқиб кетилган қўлёзма манбаларнинг ҳамкорликда тадқиқи йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ўзбекистон илм-фан ва маданият кунларини Саудия Арабистонида ўтказиш, илмий соҳада олимлар ўртасида мулоқот майдонини яратиш, диний-дунёвий илм тараққиётига мислсиз хизмат қилган Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби олимлар билан бир қаторда Имом Бухорий, Имом Термизий, Абулмуин Насафий каби уламоларнинг илмий меросини ҳамкорликда тадқиқ қилиш аждодларимизнинг бой маънавий ва илмий меросини янада чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш имконини беради.

Қирол Абдуллоҳ номидаги фан ва технология университети



---

Кўнгилдаги битиклар

# Истиқлолим — иқболим

**Куни кеча тест натижаларини эшитиб, юрагим қувончдан ҳапқириб кетди. Катта неварам имтиёз билан хориждаги нуфузли университетда ўқийдиган бўлибди, яна бири Тошкент тиббиёт академиясининг талабасига айланибди. Кичик ёшдаги набираларимдан бири академик лицейда ўқишни давом эттирадиган, ундан кейингиси эса ихтисослаштирилган мактабнинг ўқувчиси бўлибди. Бир хонадондан тўртта талаба-ўқувчи! Ишонгинг келмайди. Қўни-қўшниларимиз, маҳалладошларимиз оилаларида ҳам бизникидек шодиёна.**

...Ўтган аср 70-йилларининг ўрталари. Қовунпўчоғи ерга тушган маҳал. Қишлоқдаги тенгқурларим қатори 1 сентябрь тонгида мактабга отландим. Қора бўёққа тўйган парталар, бўр ишқаланавериб сийқаси чиққан доска, оҳак чизиқли ўт босган майдонча... бариси таниш манзара. Дафтардаги ёзувимиз ярим бўлмаёқ ё бирор фандан баҳо олмасимизданоқ мактаб қувончи тугайди – пахта терими бошланади. Шу бўйи кеч кузда (агар режа бажарилмаса, “ҳашар” то қор ёғиб, ер музлагунча давом этади) қайтамиз. Эрта баҳорда ғўза ягана, май ўрталарида пилла ҳашар, кузда пахта – хуллас бир ўқув йилининг ярмидан кўпи далада ўтади.

Дала йўлини чангитиб, “Виллис” келади. Ундан виқор билан тушиб келган “шляпали амакилар” сиздан қайси фандан неча баҳо олганингизни эмас, кеча ва бугун неча кило пахта терганингизни сўрайди. Кунлик “норма”ни бажармаганлар чаноқ тилган қўллари билан бош қашлашдан нарига ўтишолмайди. Уларнинг касрига мактаб вакили – бечора ўқитувчи қолади. Келгувчилар “давлат сиёсатига зид иш тутгани, терим интизомини бўшаштириб юборгани” учун унга дакки бериб, ўдағайлаб, ўқувчилари олдида мулзам қилишади...

Бу ёзмишларим бугунги авлод учун эртакдек туюлиши табиий. Негаки, Ўзбекистонимиз аждодларимиз орзуси – мустақиллик неъматига эришиб, у кунлар тушга ўхшаб қолди. Истиқлол насимлари туфайли жонажон диёримиз улкан ислоҳотлар мамлакатига айланди. Асрларга татигулик ишлар, лойиҳалар амалга оширилди. Биргина таълим соҳасидаги ўзгаришларнинг ўзи катта бир достонга сиғмайди. Ҳар қанча қувонсанг, алқасанг оз.

“Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”. Муҳтарам Президентимизнинг айтганлари бу кун ҳаётбахш шиорга, порлоқ келажак даъватига айланган. Ўқитувчи-мураббийларнинг қадри, мавқеи ҳар қачонгидан юксалди. Янги авлодга таълим-тарбия бериш самарадорлиги ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш борасида барча куч ва имкониятлар ишга солинмоқда.

Миллатимиз даҳолари номлари билан аталувчи ижод мактаблари, жаҳон стандартларига мос Президент мактаблари, янгидан-янги олий таълим муассасалари, дунёнинг ривожланган мамлакатлари университетларининг филиаллари очилиши бунинг яққол исботидир. Ўз олдига мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган халқимиз орасидан ҳадемай янги Хоразмийлар, Берунийу Ибн Синолар, Улуғбек ва Навоийлар, Мирзо Бобурлар етишиб чиқса не ажаб!

Изланувчан йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ёшлар технопарклари”, 100 дан зиёд шаҳар-туманда “IT”ни чуқур ўргатадиган ўқув марказларининг барпо этилиши, мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари ўртасида “Бўлажак олим” танловининг ўтказилиши ва энг яхши инновацион ҳамда стартап лойиҳаларига катта маблағ йўналтирилиши эзгу мақсад йўлидаги қадамлардан саналади.

...Яқинда қишлоғимиздаги мактабнинг кимё муаллимаси Сожида опа, ўқувчиси фан олимпиадасида ғолиб чиққани боис, фахрий унвон ва пул мукофотига сазовор бўлганини эшитиб, қувондим. Шу кезда собиқ шўро даврида умрининг қирқ беш йилини қишлоқ мактабида ўтказиб, еттита фандан қунт билан сабоқ берган, ўқимишли шогирдлар тайёрлаган устозимиз Ботир ака Фахриддиновни негадир эслагим келди. Домламиз бисотида “узоқ йил ишлагани учун” ёзуви битилган оддий фахрий ёрлиқдан бошқа нарса йўқ эди...

Ҳа, Истиқлол элимизга, юртимизга кўп нарсалар берди, қадриятларимиз тикланди, инсон қадри юксалди, меҳнати эъзоз топди... айтаверсанг адоғи йўқ. Илло, порлоқ келажакда ҳам шундай бўлиб қолажак!

**Ҳалимжон ТОҲИРОВ,**
**“Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши фаоли**



***Ушбу янги кўркам мажмуага “Буюк ипак йўли” деб ном берганимиз замирида чуқур маъно бор.***

***Асрлар давомида Хитойнинг қадимий Сиан шаҳридан бошланиб, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳудудидан ўтган ва кўҳна Римга қадар етиб борган бу улкан савдо йўли жаҳон халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий-маърифий мулоқот воситаси бўлиб келган. Азим Самарқанд эса, Буюк ипак йўлининг асосий манзилларидан бири бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз.***

***Биз Буюк ипак йўли орқали ривожланган ана шу тарихий анъаналарни, бугун тараққиёт, маданият, дўстлик ва ҳамкорлик йўли сифатида қайта тиклашга интилмоқдамиз. Шу мақсадда дунё ҳамжамияти билан турли соҳалардаги алоқаларни кучайтириш, мамлакатимизга замонавий илм-фан ютуқлари, юқори технологиялар, инвестициялар, янги, илғор ғоялар кириб келиши учун шароит яратмоқдамиз.***

***Умуман, “Буюк ипак йўли” мажмуаси Ўзбекистоннинг дунёга кенг очилаётган яна бир дарвозаси десак, айни ҳақиқат бўлади.***

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# БОҚИЙ ШАҲАР АБАДИЯТИ



1

Бу шаҳар ҳақида, хусусан, қурилиши ҳақида сўз борганда тарих ва бугун ёнма-ён тилга олиниши, эсланиши бежиз эмас. Негаки, шаҳар гўзаллигини, латофатини аждодларимиз томонидан бунёд этилган қадимий обидалар – мадрсалар, масжидлар, хонақолар, мақбаралар, миноралар ва бошқа архитектура ёдгорликларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун шаҳардаги бугунги бунёдкорликлар, энг аввало, ўша обидаларни қайта қуриш, асл ҳолида таъмирлаш, тарихий ҳақиқатни қайта тиклашдан бошланади. Шу маънода шаҳарда Регистон, Шоҳи Зинда, Амир Темир, Бибихоним, Хожа Дониёл, Руҳобод, Ҳазрати Хизр, Расадхона, Даҳбед, Нодир девонбеги, Хўжа Аҳрор Валий ёдгорлик мажмуалари тарихий қиёфасига мос тикланди, Мотурудий мақбараси қурилди.

Эндиликда яна бир муқаддас қадамжо – ислом оламининг табаррук зиёратгоҳларидан бири Имом Бухорий мақбараси билан боғлиқ мажмуа қайтадан бунёд этилмоқда. Тўғри, бу мажмуа мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида таъмирланиб, обод қилинган эди. Лекин кейинги йилларда бу зиёратгоҳга келувчилар сони кўпайди. Айни пайтда бу ерда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби очилди. Натижада бу мажмуани қайтадан қуриш, кенгайтириш зарурати туғилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мажмуани қайта қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ана шу лойиҳа асосида мажмуада ўн минг намозхонни бағрига сиғдирадиган масжид, масжид атрофида айвонлар, шунингдек, қадим шаҳарсозлик анъаналарига мос келадиган тўртта юксак минора қад ростламоқда. Булардан ташқари, ушбу масканда Европа ва Шарқ анъаналари асосида меҳмонхоналар, овқатланиш муассасалари, чойхоналар, савдо расталари, дам олиш даргоҳлари, автобуслар бекати, автотураргоҳлар ҳам бунёд этилмоқда. Имом Бухорий қабри, мақбараси атрофи янада ободонлаштирилмоқда. Мажмуага олиб борадиган йўллар атрофлари боғ-роғларга айлантирилган. Умуман, қадим Хартанг қишлоғи ва бу ердаги улуғ аллома номи билан аталган мажмуа ҳам илм-фан, ҳам зиёратгоҳ, ҳам сайёҳлик шаҳарчасига айлантирилмоқда.

Шаҳардаги яна бир қадимий мавзе Конигил ҳам ўзининг асл тарихий қиёфасини тикламоқда. Маълумки, бу жой ўрта асрларда ҳунармандлар учун хомашё маскани бўлган. XIV-XV асрларда Амир Темур ва Темурийларнинг истироҳат боғларидан, халқ кўнгил очадиган масканларидан бирига айланган. XIX-XX асрларда бу ер эътиборсиз қолиб кетганди. Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин бу ерга ҳаёт қайтди. Икки томонидан бир тегирмондан сув ўтадиган чорбоғ яна ҳунармандлар ҳудудига айланди. Бу ерда Самарқанднинг дунёга машҳур бўлган ипак қоғозини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ипак қоғозлардан эса элликдан ошиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Сиёб соҳилларида жойлашган устахоналар, мойжувозлар, сув тегирмонлари, кулолчилик чархлари, халқ амалий санъати намуналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар – ҳаммаси халқимизнинг яратувчилик, ижодкорлик тарихини намоён қилади. Конигил эндиликда Самарқанднинг экотуризм марказига айланмоқда.

Самарқанд қадим-қадимдан илм-фан шаҳри сифатида ҳам шуҳрат қозониб келган. Бу шаҳарда яшаб ижод қилган, фан билан шуғулланган алломаларнинг, мадрасалар, илм масканлари, марказларининг санаб адоғига етиб бўлмайди. Бугунги кунда ҳам шаҳар ҳаётида ана шу руҳ сақланиб қолган. Яқинда барпо этилган Самарқанд халқаро аэропорт терминалининг меъморчиликда ўзига хос кўриниш – очилган китоб шаклида яратилгани ҳам бежиз эмас. Негаки, шаҳарнинг ҳар бир иншооти, imorati, йўл-йўлаклари, боғ-роғлари, умуман, шаҳарсозлик қиёфасида унинг ҳаёти, борлиқ моҳияти, тарихи, тақдири ва бошқа жиҳатлари акс этиб туриши керак. Аэропорт биносининг очилган китоб шаклида қурилиши шаҳарнинг илм-фан маркази эканлигини яна бир бор намоён этади. Айни пайтда бу очилган китобнинг ярми тарихнинг ўқилган улуғвор саҳифаларидек фикр уйғотса, қолган ярми келгусидаги яратувчиликлар, бунёдкорликлар битиладиган варақлар мисол таассурот қолдиради. Самарқанд бу ерга ташриф буюрадиган ҳар бири инсонни гўёки қалб китоби билан кутиб олаётгандек кўзга ташланади.

Мамлакатимизда ўндан ортиқ шаҳарлар “тарихий шаҳар” мақомига эга. Бундай шаҳарларнинг бугунги меъморчилигида тарихий ва замонавий шаҳарсозлик анъаналари ўзаро уйғунлашиши керак. Ана шунда шаҳар ўзига хос, бетакрор қиёфа касб этади. Шундай тарихий шаҳарлардан бири ҳисобланган Самарқанд шаҳарсозлигида ҳам қадимий меъморчилик ва замонавий архитектура санъатининг энг яхши намуналари – иншоотлар кўриниши, қиёфаси, безалиши, маҳобати, муҳташамлиги, улуғворлиги ва бошқа жиҳатлари билан ҳамоҳанглик касб этмоқда. Бу ҳамоҳанглик шаҳарда яқинда фойдаланишга топширилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази ва “Боқий шаҳар” мажмуасида яққол кўзга ташланади. Марказ ва мажмуа яхлитликда ўндан ортиқ объектдан иборат. Марказ таркибида ниҳоятда муҳташам “Конгресс холл”, 2 та 5 юлдузли, 2 та 4 юлдузли, 4 та 3 юлдузли меҳмонхоналар ва амфитеатр ҳамда бошқа иншоотлар мавжуд. Шаҳарда бундай “халқаро туризм маркази” қад ростлашининг сабаблари бор. Аввало, шаҳар нафақат мамлакатимизда, балки бутун Шарқда сайёҳлик марказларидан бири саналади. Қолаверса, Самарқанд халқаро миқёсдаги анжуманлар, конференциялар, йиғилишлар, фестиваллар, кўрик-танловлар, тўю томошалар шаҳри. Йилига ўнлаб турли хил анжуманлар ўтказиш бу шаҳар учун одатий ҳол бўлиб қолди. Шунинг учун ушбу шаҳарда конгресслар ўтадиган ниҳоятда маҳобатли иншоот ва кўплаб меҳмонхоналар қурилиши ҳаётий зарурат эди.

Марказда Конгресс холл, меҳмонхоналардан ташқари сунъий сув ҳавзалари, 60 метр баландликка сув сачратувчи фавворалар, минглаб манзарали дарахтлар экилган боғ, гулларга бурканган хиёбонлар ҳам бунёд қилинган. Буларнинг ҳаммаси Амир Темур бунёдкорликларини, боғларини эсга солади.

Марказнинг яна бир гўзал объекти — ноёб меъморий режага асосан қад ростлаган “Боқий шаҳар” мажмуаси ҳисобланади. Мажмуа таркибида Карвонсарой комплекслари ўрин олган. Карвонсарой яхлит ҳолатда Самарқанд ва Шарқ тарихини намоён этади. Бу ерда аждодларимиз томонидан бир неча асрлар давомида ўлмас мерос сифатида сақланиб келган ва бугунги кунда ҳам авлодларимиз давом эттираётган халқ амалий санъати ҳамда ҳунармандчилик санъати дурдоналари, шарқ бозорлари, тужжорлари ҳаёти билан боғлиқ жараёнлар, дунё халқларини, маданиятларини, маънавиятларини бирлаштиришга хизмат қилган карвонлар фаолиятига, Буюк ипак йўлига оид лавҳалар, ҳозирги кунда амалий санъат намуналарини яратаётган усталар ишлари ўрин олган. Худди эртаклардаги, афсоналардаги сингари шарқона муҳит намоён бўлган. Мажмуадаги миллий галереяда юртимиздаги ҳар бир ҳудуднинг бой маданий мероси намойиш этилади. Сайёҳлар бу ерда усталар, ҳунармандлар билан бевосита учрашиш, улар яратаётган гўзал санъат намуналари билан танишиш имкониятларига эга бўладилар.

Мамлакатимиз Президенти ушбу ноёб мажмуанинг очилиш маросимида *“Самарқандни йирик туризм марказига айлантиришда” “Боқий шаҳар” меъморий ансамбли алоҳида ўрин тутади. У келгусида бутун Самарқанднинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айланади,* деб ишонаман”, дея тилак билдирди.

Йигирма олти метрлик минора “Боқий шаҳар”га янада ўзгача кўрк ва тарих файзини беради. Мажмуадаги Ёзги маданий тадбирлар ўтадиган саройнинг деворлари “Афросиёб” музейидаги деворий суратлар нусхаси асосида яратилган. Сарой безаклари юртимизнинг машҳур усталари ҳамда самарқандлик ҳунармандлар томонидан амалга оширилган. Хуллас, “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази ва “Боқий шаҳар” мажмуаси шарқ ва дунё меъморчилигининг қадимий ва замонавий андозалари асосида бунёд қилинган. Марказ ҳамда мажмуа қадим кентнинг тарих ва келажак чорраҳасидаги ғаройиб мўъжизаси деса арзийди.



Сўнгги йилларда шаҳарда бир қанча йирик объектлар қуриб фойдаланишга топширилди. Жумладан, Олмаота – Бишкек – Тошкент – Шаҳрисабз – Термиз магистраль автомобиль йўлининг 1083 километрида янги йўл ўтказгич, Сиёб канали устидан галерея типдаги йўл ўтказгич, Бўстонсарой ва Рудакий кўчалари кесишган нуқтада ер ости йўли барпо этилди. Булар шаҳар ва шаҳар атрофида машиналар, автомобиллар қатнови, йўловчилар оқими учун қулайликлар яратди. Юз мингга яқин аҳоли яшайдиган кўп қаватли тураржойлардан иборат “Қорасув” массиви бунёд қилинди. “Янги Ўзбекистон” массивида 1294 та квартирали 36 та кўп қаватли тураржой қад ростламоқда. Шунингдек, шаҳарга туташ нуқтада 43 гектарлик “Ёшлар саноат зона”си ташкил этилмоқда. Шу тариқа шаҳар асл ҳолида таъмирланган қадамжолари, тарихий масканлари, кўп қаватли тураржой массивлари, сайёҳлик марказлари, саноат объектлари, равон йўллари, кўчалари, меҳмонхона комплекслари, илм-фан масканлари билан янги қиёфа касб этмоқда.

Бугунги кунда нафақат Самарқанд шаҳрида, балки бутун вилоятда қурилиш, бунёдкорлик ишлари давом қилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг шу йил 22 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ вилоятда йил давомида 193 та объектда, жумладан, 48 та умумтаълим мактаблари, 22 та мактабгача таълим муассасалари, 11 та тиббиёт, 2 та олий ўқув юртлари биноларида қурилиш, қайта қуриш, капитал таъмирлаш ишлари режалаштирилганди.

“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари асосида 28 та қишлоқ ва 4 та маҳалланинг архитектуравий қиёфасини янгилаш, ҳудудларини ободонлаштириш, 16 та маҳалланинг биноларини қуриш, капитал таъмирлаш белгиланган эди. Бу ишлар айни пайтда муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ипотека дастури асосида вилоятда 13 та массивда 3126 та хонадонга мўлжалланган 54 та кўп қаватли тураржойлар қурилмоқда. Умуман, воҳада 4420 хонадондан иборат 90 та кўп қаватли тураржойлар қад ростламоқда. Шу билан бирга шаҳар ва туманларнинг 16 тасининг марказий кўчалари замонавий асосда барпо этилмоқда. Вилоятдаги 32 та қишлоқ ҳамда маҳалла аҳли учун 382,6 километр узунликдаги ичимлик ва оқова сув тармоқлари ишга туширилмоқда. Ана шунча қишлоқ ҳамда маҳаллаларда салкам 185 километрлик йўлларга шағал ётқизилиб, темир-бетон, асфальт тўшалмоқда. Ҳудудларни ободонлаштириш доирасида 3595 та якка тартибдаги уй-жойлар таъмирланди, 37 километрдан иборат пиёдалар йўлаклари қурилди. Бозор инфратузилмаси борасида янги бозорлар, савдо шохобчалари, 39 та савдо мажмуаси, 27 та маиший хизмат корхонаси, 10 дан ортиқ кичик турдаги ишлаб чиқариш муассасаси, 7 та турли хил объектлар қурилиши давом этмоқда.

Вилоятда йирик ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Пастдарғом туманида аҳолининг қурилиш молларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ўтган йили бу туманда 100 та лойиҳа амалга оширилиб, 600 дан ошиқ иш ўрни яратилган эди. Иккита янги цемент заводи ишга туширилганди. Бу йил эса туманда кунига 500 тонна цемент ишлаб чиқарадиган янги завод фойдаланишга топширилиш арафасида. Каттақўрғон туманида ҳам ҳар куни етти ярим минг тонна цемент ишлаб чиқарадиган, лойиҳа қиймати 350 минг долларлик завод барпо этилмоқда.

Жомбой туманида интенсив боғдорчиликни ривожлантириш жараёнида қуёш энергиясидан фойдаланилмоқда. Тумандаги аксарият боғдорчилик хўжаликлари қуёш панелларини ўрнатгани учун энергия нархлари ҳам арзон бўлмоқда, ҳам маблағ тежалмоқда. Бу ерда водий услубида узум етиштириш ҳам йўлга қўйилган.

– *Вилоятда аҳолининг бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, даромадларни ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз,* **– дейди Самарқанд вилояти ҳокими Эркин Турдимов.** – *Жорий йилда маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, маҳалла раислари, фаоллари тавсиялари ва хулосалари асосида салкам 1,5 триллион сўмдан ортиқ маблағ юқоридаги масалаларни ҳал қилишга йўналтирилди. Вилоятда бу йўналишда келгусида янада катта ишларни амалга оширишни мўлжаллаганмиз. 2026 йилга қадар вилоятда камида 250 мингта доимий иш ўрни яратишни, воҳада ишсизлик даражасини икки баробарга камайтиришни режалаштирганмиз. Бунинг учун 8 миллиард долларлик инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш кўзда тутилган. Вилоятда бу ишларни амалга ошириш учун тўла имкониятлар бор.*

Кейинги йилларда Самарқанд вилоятида табобат соҳасини ривожлантириш, айниқса, фармацевтика саноатини юксалтириш асосий масалалардан бирига айланди. Айни пайтда вилоятда саккизта фармацевтика ишлаб чиқариш корхонаси, етмиш еттита улгуржи, икки мингга яқин чакана савдо ташкилотлари фаолият юритмоқда. Шулардан бири “Самарқанд ингл эко медикал” МЧЖ ўзбек-инглиз қўшма корхонасида ўттиз тўрт хил эритма ва йигирма хилдан ошиқ дори воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Дорилар ва эритмаларнинг асосий қисми мамлакатимиз дорихоналарида сотишга чиқарилмоқда. Дориларнинг сифати доимий назорат қилинади.

Саккиз хилдаги шифобахш ўсимликлардан тайёрланадиган малҳамларни қадоқлашга ихтисослашган яна бир корхона хомашё бўлган доривор ўсимликларни Самарқанд вилояти ўрмон хўжалиги ва улар таркибидаги фермер хўжаликларидан олади. Корхона шаҳардаги “Шарқ табобати” илмий тадқиқот институти билан ҳамкорликда дорилар ишлаб чиқариш мақсадида янги лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Вилоятнинг Фарҳод шаҳарчасида улуғ байрам арафасида, яъни шу кунларда яна иккита фармацевтика корхонаси фаолият бошлайди. Буларнинг барчаси Самарқанд вилоятида, мамлакатимизда аҳоли саломатлиги, “эл азизлиги, инсон азизлиги” учун хизмат қилади. Самарқанд аҳли амалга ошираётган ушбу ишлар уларнинг яратувчилик, бунёдкорлик фаолиятининг бир қисми. Улуғвор ишларни тўлароқ кўрмоқчи, улардан баҳра олмоқчи бўлсангиз қадим ва ҳамиша навқирон кентга ташриф буюринг!

*Бугун Самарқанд кенгликларида бир ифор кезиб юрибди. Бу табиатнинг сахийлик ифори, самарқандликларнинг яратувчилик, бунёдкорлик ифори. Чилилик машҳур шоир Пабло Неруда “Самарқанд инсониятнинг Ер юзидаги бунёдкорлигига, яратувчилигига тимсол бўлган мангуликка, абадиятга дахлдор шаҳар. Унинг боқийлиги олис ўтмишга ҳам, бугунги кунга ҳам, келажакка ҳам дахлдор”, деб ёзганди. Ҳа, улуғ шоир ҳақ! Самарқандда бугунги кунда қилинаётган улуғвор ишлар боқий шаҳарнинг абадиятидан дарак беради.*

**Камол МАТЁҚУБОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

## Инсон қадри учун

Бугун демократик принцип ва тамойиллар асосида чинакам фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳот ва янгиланишлар сабаб парламент ва маҳаллий Кенгашлар янгича шароит ва услубда фаолият олиб бораётир. Бу имконият ва сиёсий фаоллик депутатларимизга маҳаллий Кенгашларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ижро этувчи ҳокимият идоралари фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва одамларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилишда давлатимиз раҳбарининг тавсия ва кўрсатмаларидан сўнг анча жонланди.



# ҲОКИМНИНГ ДЕПУТАТЛАРГА

## раҳбарлик қилиши амалиётидан воз кечилади

Тан олиш керакки, бундай очиқлик, шаффофлик, сўз эркинлиги ва демократик принциплар Президент сиёсий иродаси билан боғлиқдир. Афсуски, ҳали-ҳануз маҳаллий Кенгашлар фаоллигини, уларнинг ваколатларидан кенг фойдаланиш имкониятларини хушламайдиган айрим ташкилот ва давлат органлари раҳбарлари ҳам бор. Бу жамиятимизни орқага тортаётган, қабул қилинаётган қарорларнинг ишлашига тўсқинлик қилаётган омиллардандир.

Шунинг учун Президентимиз Конституцион ислоҳотлар муҳокамасига оид йиғилишда яна бир бор давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш мавзусига тўхталди. Бу ҳам бўлса, жойларда ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашлар ваколатини ажратиш билан боғлиқ масала. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришиш тантанали маросимидаги нутқида ҳам халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилашга оид қонуний асосларни яратиш вақти келганлигини таъкидлаб ўтди. Бу бежиз эмас. Амалга оширган ислоҳотлар натижасида маҳаллий Кенгашлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари кенгайди. Шундан келиб чиқиб, ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашларига ҳам бошчилик қилиши ҳақидаги қоидани Конституциядан чиқариб ташлаш таклифи илгари сурилмоқда. Бу ислоҳотнинг жорий этилиши ҳокимият ваколатларининг бўлиниш принципини маҳаллий даражада татбиқ этишга, маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини, ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини оширишга олиб келади. Ҳудудларда халқ манфаатларини тўлиқ таъминлашга, ҳокимликлар фаолияти устидан Кенгашлар ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Конституцияга киритиш таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олтмишдан ортиқ моддасини қамраб олади. Унда инсон қадрини улуғлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш каби кўплаб нормалар белгиланмоқда. Хусусан, давлат қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини, тадбиркорликнинг ривожланиши учун шарт-шароитларни таъминлаш, ҳалол рақобат ҳимоя қилинишини, иқтисодий фаолиятда монополлаштиришга йўл қўйилмаслигини кафолатлаш, тадбиркорлар қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад олишга ҳақлилиги белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, Конституциявий қонун лойиҳасида давлат ҳокимияти асосларини янада такомиллаштиришга, парламентнинг ваколатларини кучайтиришга, фуқароларнинг қонунчилик жараёнидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган нормалар ҳам акс этмоқда. Жумладан, ҳокимлар бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашларига ҳам раҳбарлик қилиши ҳақидаги норма чиқариб ташланиб, халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимларнинг ваколатлари алоҳида мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 99-, 100- ва 101-моддаларга киритилаётган ўзгаришлар орқали вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти органлари бир-биридан ажратилади. Биринчидан, ҳududдаги ижроия ҳокимиятига вилоят, туман ва шаҳар ҳокими бошчилик қилади. Иккинчидан, халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қилади. Кенгашлар ва ҳокимлар фаолияти қонун билан тартибга солинади. Кенгашларга ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режасини ва уни қуриш қоидаларини ҳокимнинг тақдимига биноан тасдиқлаш, тегишли маҳаллий бюджетларни ҳокимларнинг тақдимига биноан кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ушбу бюджетларнинг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш, маҳаллий солиқлар ставкаларини ва бошқа мажбурий тўловларни қонунчиликда белгиланган миқдорлар доирасида белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш, ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимга тасдиқлаш, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш, қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда халқ депутатларининг ваколатларини тан олиш ҳамда муддатидан олдин тугатиш, уларни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш, қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳокимнинг қарорларини тасдиқлаш, тегишли прокурорларнинг, ички ишлар органлари раҳбарларининг, адлия органларининг ва давлат бошқаруви органлари бошқа бўлинмаларининг ҳисоботларини эшитиш, ҳокимнинг ва қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бўлмаган қарорларини бекор қилиш каби ваколатлар киради. Ҳокимлар эса қонунларни ҳамда Олий Мажлис палаталарининг қарорларини, Президентнинг, Вазирлар Маҳкамасининг фармонларини, қарорларини ва фармойишларини, юқори турувчи органларнинг ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қарорларини бажариш, соғлиқни сақлаш, таълим, жамоат транспорти тизимларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришни таъминлашга қаратилган чораларни амалга ошириш, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлашга доир чораларни амалга ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, халқ депутатлари Кенгашларига вилоятни, туманни, шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг, туман ва шаҳар бюджетининг тегишли лойиҳаларини, шунингдек, уларнинг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш, қонунда белгиланган ҳолларда, қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини бекор қилиш ва халқ депутатлари Кенгашига қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш каби ваколатларга эга бўлади.

Тан олиш керак, ҳокимликлар қарорларини маҳаллий Кенгашлар тасдиғидан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилгани сабабли норозиликларга олиб келадиган ноқонуний қарорлар қабул қилиниши камайди. Аммо қизиғи шундаки, қарорларнинг ҳаққонийлигига баҳо берадиган, уни тасдиқлайдиган Кенгашларга ҳокимлар раислик қилади. Бу ҳолат давлатимиз раҳбари томонидан ҳам танқид қилиниб, маҳаллий Кенгашларга ҳокимлар раҳбарлик қилиши амалиётига барҳам бериш зарурлиги таъкидланди.

Гап шундаки, кимки ҳоким қароридан норози бўлса, идорама-идора, судма-суд юришига тўғри келар, адолатни тиклашга эса камдан-кам ҳолда эришиларди. Фуқаролик жамияти асосларидан бири халқ иродаси бўлса, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-руҳий ҳолатига фақат ҳоким жавобгар ё масъул эмас. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг моҳиятини чақсак, вилоят, шаҳар ва туманлардаги муаммо ва масалаларда маҳаллий ҳокимлик раҳбарияти қатори халқ вакиллари, яъни халқнинг хоҳиш-иродаси билан сайланган депутатлар ҳам масъулдирлар. Шундай экан, бу борада мувозанат муҳим роль ўйнайди. Нуқул ҳоким қарор қилган, кўрсатма берган, режалаштирган масалаларни кўриш, қарорларини қабул қилиш эмас, депутатлар илгари сурган, эътироз билдираётган, таклиф этаётган масалалар амалда ҳам эътиборга олиниши керак. Бу борада ҳам анча ижобий ўзгаришлар бор, аммо муаммолар ҳам талайгина. Бу ҳолатни бартараф этиш учун босқичли ислоҳотлар зарур.

Демак, ҳокимнинг Кенгаш раиси мақомини бекор қилиш жараёни бошланди. Албатта, бу тизимга зинама-зина, тажриба ва кўникмаларни шакллантириш, шароитларни ўрганиб ўтилмоқда. Яъни кўриладиган чоралар, қабул қилинадиган қарор ва ишлаб чиқиладиган қонунлар амалда ўзини тўлиқ намоён этиб, аҳоли онгида «ҳоким» ва «депутат» тушунчалари янгиланиши керак. Ана шунда амалий натижаларга эришган бўламиз.

Агар ҳокимнинг депутатларга раҳбарлик қилиши ваколати бекор қилинса, Кенгаш раиси сайланса, фуқаролик жамияти ривожланишининг янги босқичига ўтган бўламиз. Қолаверса, ҳудудий раҳбарлар ўзгаргани билан стратегик вазифалар, мақсадлар ўзгармайди.

*Ўзбекистон янги марралар сари олдинга илдам одимламоқда. Изланиш, рағбат, ижод баробарида эркинлик бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Янги давр, янгича руҳ ва истиқболли лойиҳалар самарасидан Ватанимиз билан, шу юртнинг фарзанди эканлигимиз билан фахрлансак арзийди. Тарих зарварақларида бу йиллар Ўзбекистондаги янги уйғониш даври сифатида ҳам ёзилажак. Бунинг учун эса ҳар биримиз фуқаролик позициямизда қатъий туриб, бор билимимиз, меҳнатимиз, жасорат ва садоқатимиз билан халқпарвар, ватанпарвар шахс сифатида халқнинг дарди ва юрт равнақи ташвиши билан яшашимиз керак.*

**Исмоил САИФНАЗАРОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, ТДИУ профессори**

## Огоҳлик

# КОРРУПЦИЯ — тараққиёт кушандаси




Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирги кунда дунёда кўплаб жиноятларга сабаб бўлаётган нафс балоси, яъни коррупция ва порахўрлик натижасида йилига бир триллион доллардан ортиқ маблағ ўзлаштирилар экан. Бу маълумот коррупция муаммолари билан шуғулланувчи “Transparency International” ташкилотининг ҳисоботларида таъкидланган. Шу боис коррупция ва порахўрликни ҳеч иккиланмай “аср вабоси” ва “тараққиёт кушандаси” деб аташ мумкин. Дунёнинг илғор давлатлари коррупцияга қарши жиддий чора-тадбирларни қўллаш билан бир қаторда, халқаро миқёсдаги дастурларни амалга оширишда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Чунки бу муаммо ҳар қандай давлатда амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлида жиддий тўсиқ бўлиб келмоқда. Қайси бир соҳада ривожланиш, тараққиёт бўлмаётган экан, унинг асл сабаби коррупцияга бориб тақалади.

Мамлакатимизда ҳам бу иллатга қарши жиддий ва кескин кураш олиб борилмоқда. Миллий манфаатларимизни инобатга олган ҳолда амалга оширилаётган бундай изчил сиёсат давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши, халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб боришини таъминлаяпти.

Бугунги кунга қадар республикамизда коррупцияга қарши қаратилган тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда, бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шундай бўлса-да, давлат бошқарувини халқ олдида обрўсизлантирувчи бу иллатга қарши тизимли ва самарали курашиш учун зарур бўлган бир қатор ҳуқуқий чоралар етишмаётган эди. Соҳага оид ҳуқуқий нормаларнинг етарли даражада такомиллашмаган, ҳатто коррупция тушунчаси қонунчиликда аниқ-равшан белгиланмаганди. Қонунларда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар аниқ кўрсатиб ўтилмаганди. Мамлакатимизда бу борада 2017 йилда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши ушбу иллатга қарши жадал кураш олиб боришнинг қонуний асосларини такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Айнан мазкур қонун билан тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги каби коррупцияга қарши курашнинг асосий принциплари белгилаб қўйилди. Демак, бу борада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қонун даражасида мустаҳкамланган.

Қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Президент қарори билан коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби ҳам тасдиқланган.

Мазкур интилишларни бевосита порахўрликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар сифатида эътироф этиш жоиз. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, коррупция иллати нафақат пора олиш маъносини беради, унинг тушунчаси кенг бўлиб, мансабдор шахснинг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслиги ва бепарволикка йўл қўйиши ҳам ана шундай салбий ҳолатларга элтувчи йўл ҳисобланади.

*Мухтасар қилиб айтганда, айни пайтда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг барча ҳуқуқий асослари яратилган. Фақат юртдошларимиздан огоҳлик ва масъулият талаб этилади, холос. Улар ҳам ушбу кураш жараёнида ҳамкорликни кучайтиришса коррупциянинг илдизи, албатта, қурийди. Шундагина мамлакатимиз бундан-да тараққий этиб, одамларимизнинг турмуши янада фаровонлашади.*

**Дониёрбек ЭШЧАНОВ,**
**фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро суди раиси**

## Ҳуқуқий маслаҳатхона

**Маълумки, умумхалқ референдуми “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунга мувофиқ мамлакатимизнинг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ҳамда давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг муносабатларини аниқлашдан иборатдир.**

# Референдум – умумхалқ овози

Референдум ҳам сайловлар каби халқ иродасининг бевосита ифодаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади. Референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бир хилда ва бир вақтда, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида, ҳар бир фуқаро бевосита яширин бир овоз бериш йўли билан ўтказилади. Овоз бериш жараёнлари назорат қилинишига йўл қўйилмайди. Референдум ўтказиладиган кунга қадар ёки референдум кунида ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси қаерда яшаётганлигидан қатъи назар, референдумда иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга.

Келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятига қараб фуқароларнинг референдумда қатнашиш ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ман этилади. Референдумда фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни референдум ўтказувчи комиссиялар очиқ ва ошкора амалга оширадилар. Улар фуқароларни ўз ишларидан, округлар, овоз бериш участкалари тузилганлиги, комиссияларнинг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадилар, овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари билан таништирадилар, овоз бериш якунларидан хабардор қиладилар.

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари референдум ўтказилишини ёқлаб ёки унга қарши, референдумга қўйилаётган қонун лойиҳаси, амалдаги қонун ёки бошқа масалани ёқлаб ёки унга қарши монеликсиз ташвиқот олиб боришга ҳақлидирлар. Ташвиқотни фуқароларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади. Референдум ўтказиладиган кунда ва референдумни ўтказишга бир кун қолганда ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

Референдумда овоз бериш бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Овоз бериш бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган фуқаро ўз хоҳишига кўра, референдум ўтказувчи комиссия таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир.

**Абдукамол РАХМОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

***– Сўнгги пайтларда ҳамюртларимиз орасида бир-бирига нисбатан туҳмат ва ҳақорат қилиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Бу жуда ачинарли ҳол. Менимча, кўпчилик туҳмат ва ҳақоратнинг ҳуқуқий оқибатларини билмайди, ўйламайди.***

***Айтинг-чи, қонунчиликда бу қилмишлар учун қандай жазо чоралари белгиланган?***

**Диёра ҒОФУРОВА,**
*Тошкент шаҳри*

*– Аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бош қомусимизнинг 13-моддасига биноан инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шу маънода айтганда, амалдаги қонунларимизда туҳмат ва ҳақорат қилганлик учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик белгиланган.*

*Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40-моддасига мувофиқ, туҳмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

*Кодекснинг 41-моддасида эса ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солиниши белгиланган.*

*Жиноят кодексининг 139-моддасига биноан, туҳмат қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали туҳмат қилиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.*

*Агар туҳмат оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб, оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолда, хавфли рецидивист томонидан, ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.*

*Кодекснинг 140-моддасида эса ҳақорат қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Унга кўра, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали ҳақорат қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.*

*Ҳақорат қилиш жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда, хавфли рецидивист томонидан ёки туҳмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан қилинган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.*

*Шундай экан, ҳар бир шахс ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилиш оғир оқибатларга олиб келишини теран англаб етиши шарт.*

**Саволга жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг судьяси Баҳромжон БЕРДИЕВ жавоб берди**

# МУСТАҚИЛЛИК — ОРЗУЛАРИМИЗ РЎЁБИ



Абдукамол РАХМОНОВ,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

**Мустақиллик ўз-ўзидан бўлган эмас. Унинг ортида халқимиз бошига тушган азоб-уқубатлар, йўқотилган ҳуқуқ ва эркинликлар, маънавият ва маърифат, аждодларимиз тўккан қонлар, юрт озодлиги учун эрта хазон бўлган умрлар мазмуни ўрин олган.**

**Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги нишонланаётган айни дамларда ўтган кунларимизга бир назар солсак, қандай кунларни кўрганимиз ва қандай кунларга етганимиз кўз ўнгимизда ҳужжатли фильмлардек гавдаланади. Ва чуқур тин олиб, Мустақиллик учун, унинг неъматлари учун шукр қиламиз.**

Саксон-юз ёшли отахону онахонлардан ўтган асрнинг ўрталарида халқимиз вакилларига бўлган ўта шафқатсиз муносабатлар ҳақида, одамлар нон ўрнида кунжара, овқат ўрнида ўтўлан истеъмол қилганликлари, оҳори кетмаган битта кийимни бир қишлоқ аҳли тўй-маъракага алмашиб кийганликлари, хотин-қизлар, айниқса, болалар оғир меҳнатларга зўравонлик билан таёқ ва қамчилар зарби остида жалб қилинганлиги хусусида кўп эшитамиз.

Шаҳидлар хиёбонига борган кишининг “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи остонасига қўйган илк қадамидан бутун вужудини титроқ эгаллайди. Ҳа, шу титроқ остида мустамлакага айланган Ватанни кўрамиз, ўша мудҳиш кунлар садосини тинглаймиз, қадр-қиммати топталган маърифатпарвар ота-боболаримизнинг мардонавор нигоҳини кўрамиз.

Халқимиз бошига советлар даврида ёғдирилган бало-қазолардан нишоналар, истибдод азобидан умри хазон бўлган, қатағонлар жабрини чеккан улуғ алломалар, арбоблар, зиёлилар, ҳунармандлар, оддий деҳқон ва ишчи ватандошларимизнинг тортган азобини, ҳукмрон мафкуранинг максадлари йўлида “ўзбеклар иши”, “пахта иши” ниқоби ортида амалга оширилган шафқатсиз қийноқ ва тазйиқлар, топталган ор-номус, қадр-қиммат, озодлик ва эркинлик, тортган азоб-уқубатларига келтирилган далиллар ҳар кимни Мустақиллик учун шукр қилишга ундайди.

Ҳаммамизга маълумки, 1991 йил 31 август миллий тарихимиз ўзанида туб бурилиш ясади. Мамлакатимизда Мустақиллик эълон қилинди. Халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқди. Миллатнинг ғурури, ор-номуси, шаъни, қадр-қиммати тикланди. Тилимиз, миллий ва диний урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимиз ўзимизга қайтди. Ҳар бир фуқаро ўз орзу-умидларига мос равишда ҳаёт кечириш, озод ва обод яшаш бахтига муяссар бўлди. Мамлакат эркин нафас ола бошлади. Халқ қарамлигига нуқта қўйилди.

Ўзбекистон дунё ҳамжамияти орасида мустақил давлат сифатида ўз ўрнини эгаллади ва ўтган йиллар мобайнида иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланди. Аҳоли кўз ўнгида ҳар томонлама эришилаётган ютуқлар мамлакатимиз қудрати юксалиб бораётганлигидан, адолатли ижтимоий давлат қарор топаётганлигидан далолатдир.

Айниқса, аҳолининг соғлиғини сақлаш, малакали ва замонавий тиббий хизмат турларини кенгайтириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар, бажарилган ишлар кўлами нақадар катта эканлигини инкор этиб бўлмайди.

Худди шундай, таълим-тарбия соҳасига бўлган эътибор ҳам юксалди. Олий маълумот олиш учун ёшларимизга “ижод” мактаблари, “Темурбеклар” мактаблари, Бухоро халқаро математика мактаби ва бошқа мактаблар мустаҳкам таълим пойдевори вазифасини ўтамоқда.

Президент мактабларига, олий ўқув юртларига имтиҳон топшираётган ёшларни кўриб, дили яйрайди кишининг. Олий таълим муассасалари сон ва сифат жиҳатидан йил сайин кенгайиб бораётгани, кундузги таълим қаторига кечки, сиртқи ва масофавий таълим тизимларининг кириб келганлиги, бир абитуриент бир йўла олтитагача олий таълим муассасаси абитуриенти бўлиш имкониятининг яратилиши, хотин-қизлар учун берилган имтиёзлар, таълим кредити, бир сўз билан айтганда, олий таълим олишга бўлган кенг ва тенг шароитлар ҳамманинг оғзида.

Халқаро фан ва спорт олимпиадаларида, жаҳон чемпионатларида фарзандларимиз қўлга киритаётган шода-шода медаллар ҳам Истиқлол неъматидир.

Серқуёш, сержило диёримизнинг қай бир гўшасига борманг, беқиёс бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўласиз. Мамлакатимиз айни кунларда улкан қурилиш ва ободонлаштириш майдонига айланган. Бунёд этилаётган янги-янги корхоналар, катта-катта ишлаб чиқариш иншоотлари, муҳташам таълим-тарбия ва спорт саройлари халқ фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Шаҳар кўринишини олаётган қишлоқларимиз сони ошиб бормоқда. Бундай шиддатли тараққиётни кўриб, буюк бобомиз Амир Темурнинг “Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсанг, биз қурган иморатларга боқ”, деган сўзлари қулоғимиз остида жаранглайди.

Айниқса, шаҳар ва қишлоқларимизга кўрк бераётган ижтимоий иншоотлар, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар, дам олиш масканлари, истироҳат боғлари, равон кўчалар турмуш тарзимизнинг нақадар яхшиланиб, ҳаётимиз фаровонлашиб бораётганидан далолатдир. Энг муҳими, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатимизда тинчлик ва хотиржамлик барқарор, одамлар руҳиятида кўтаринки кайфият ҳукмрон.

Бундай муваффақиятларнинг бош омили, аввало, давлатимиз сиёсатининг инсонийлик ва эзгулик тамойиллари билан уйғунлигидадир. Бинобарин, мамлакатимизда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун. Инсон қадри улуғвор. Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати, тураржойи, мулки ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари қонун ҳимоясида.

Шуни ғурур билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда тинчлик-тотувлик, иноқлик ва аҳиллик ҳукм сураётгани, бунёдкорлик ишлари изчиллик билан давом этаётгани, баркамол авлод эришаётган ютуқлар, спортчиларимиз забт этаётган шоҳсупалар, барча-барчаси ривожланиш ва тараққиёт белгиларидир.

Ҳа, Мустақиллик – миллат ҳаётидаги энг буюк воқъелик, асрий орзуларимиз рўёби. Уни мустаҳкамлаш, кўз қорачиғимиздек авайлаб-асраш, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий асосларини такомиллаштириб бориш, жамият ҳаётини доимий равишда ривожлантиришга ҳисса қўшиш ҳаммамиздан фидоийликни, шукроналикни талаб қилади.

Зотан, Қуръони каримда “Аллоҳ сизни оналарингиз қорнидан ҳеч нарса билмайдиган ҳолингизда чиқарди. У сизга қулоқ, кўзлар ва дилларни берди. Шоядки, шукр қилсангиз” (Наҳл” сураси, 78-оят), дейилган экан, биз кўзларимиз кўриб, қулоқларимиз эшитиб турган, дилларимизни қувнатаётган ютуқларни инкор этсак, кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олсак, гумроҳлик бўлади. Бу кунларга, бундай имкониятларга, яратилган шароитларга шукр қилмоғимиз, шукроналик билан яшамоғимиз даркор.

Зеро, Мустақиллик энг буюк неъмат. Уни кўз қорачиғидек асраш эса барчамизнинг бурчимиздир.




**Депутатлик гуруҳларида**

## Йўл таъмирланди

**Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи аъзолари фуқаролар билан мунтазам учрашувлар ташкил этишаяпти. Жумладан, депутатлик гуруҳи раҳбари Руиддин Раупов Қарши шаҳридаги “Маҳаллот” маҳалласи аҳолиси билан юзма-юз мулоқот қилганида, фуқаролар ички йўлларнинг носозлигидан шикоят қилишган эди. Мурожаат жойида ишчи гуруҳ тузиб ўрганилди.**

Камчиликлар аниқланди. Муаммони бартараф этиш учун вилоят ҳокими ўринбосарига депутатлик сўрови юборилди. Шундан сўнг муаммо ўз ечимини топди. Истиқлолнинг 31 йиллиги олдидан маҳалланинг 2 километрдан ортиқ ички йўллари Қарши шаҳар ободонлаштириш бўлими йўлсозлари томонидан таъмирланди.

Худди шундай муаммо билан “Мағзон” МФЙ фуқаролари ҳам мурожаат қилишган эди. Депутатлик сўрови орқали бу муаммо ҳам ҳал этилди.

Шунингдек, мазкур маҳаллага депутатлар ва партия фаоллари ташриф буюриб, аҳоли билан “Ўзбекистон – инсон қадри улуғланган юрт” лойиҳаси доирасида “Адолат инсон қадри учун” мавзуида тадбир ташкил этишди. Мустақиллик байрами арафасида уюштирилган учрашув, маҳалладаги ободончиликлар аҳолининг хурсандчилигига қувонч улашди. Байрам олдидан маҳалла фуқаролари ва партия аъзолари иштирокида ҳашар уюштирилди.

**Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати**






# НОСИРХОН ТЎРА ВА САФДОШЛАРИ ТАҚДИРИ



**Маълумки, собиқ Ўзбекистон ССРда 20-30-йилларда ер-сувислоҳотининг ўтказилиши, хотин-қизларни озодликка олиб чиқишга қаратилган "Ҳужум" кампанияси, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсати, айнан ушбу аграр ўзгаришлар билан бир даврда амалга оширилган қулоқлаштириш сиёсати ҳамда 1937-1938 йиллардаги оммавий қатағонлар даврида халқимизнинг бошқа зиёлилар қатлами каби руҳонийлар ва диний уламолар ҳам катта жабр кўрган.**

Юртимизда бу даврда кўплаб мадрасалар, масжидлар ва хонақоҳлар бузиб ташланди. Бузилмай қолган мадрасалар ва масжидлар хўжалик омборларига айлантирилди, қизил аскар гарнизонларининг қўналғалари қилиб қайта жиҳозланди, четдан келганлар учун турар-жой сифатида берилди. Ўзбек халқи томонидан 1300 йил давомида яратилган исломий руҳдаги қўлёзма асарлар ва бошқа китоблар йўқотилди. Совет ҳуқуқ-тарғибот идоралари тергов жараёнида ҳеч қандай айби бўлмаган, ўзининг инсоний шаъни ва ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиққан диний уламоларнинг кўпчилигини олий жазо – отувга ҳукм қилди.

1930 йили Носирхон Тўра Саид Камолхонтўра ўғли бошчилигида Фарғона водийсидаги йирик уламолар совет режими томонидан қатағон қилинди. Бу гал большевиклар аввалги "ишлар"дан фарқли равишда водийдаги юзлаб уламоларни махфий ва яширин тарзда пинҳона йўқотиб юборишга ҳаракат қилдилар.

Носирхон Тўра Саид Камолхонтўра ўғли – Фарғона водийсидаги йирик уламолардан бири, Туркистон Мухторияти маориф вазири, Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамоларидан бири эди. У 1873 йилда Қўқон хонлигининг йирик маданий марказларидан бири бўлган Наманган яқинидаги Косон қишлоғида мударрис оиласида туғилган. Дастлаб Наманган ва Бухорода, сўнгра Кобул, Деҳли, Бағдод ва Ҳижоз шаҳарларида таҳсил олган. Муқаддас ҳаж амалларини адо этиб Туркистонга қайтгач, 1912 йили Наманган шаҳрига қози бўлган. Намангандаги Мавлавий ва Мулла Қирғиз мадрасаларида мударрислик қилган. 1913 йилдан бошлаб Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. "Шўрои исломия" ташкилотининг Наманган шўъбаси раҳбари, Наманган шаҳар Думаси аъзоси бўлган.

Бутунтуркистон мусулмонлари фавқулодда IV қурултойини 1917 йил 26 – 28 ноябрда Қўқон шаҳрида ўтказишда жонбозлик кўрсатган. У 1917 йил декабрда Туркистон Мухторият ҳукумати таркибига маориф вазири сифатида киритилди. 1918 йил февралда мухторият ҳукумати большевиклар томонидан ағдарилгач, Мустафо Чўқайнинг ёзишича, Носирхон Тўра Наманганда большевиклар қўлига тушади. Амнистия туфайли озод бўлгач, бир йил мобайнида яширин ҳаёт кечиради. 1919 йили Косонсойда "Миллий иттиҳод" ташкилоти ячейкасини ташкил қилади. Катта Эргаш ва Мадаминбек ҳузурида ғоявий раҳнамо сифатида фаолият кўрсатади. 1922 йилда "Маҳкамаи шаръиа" ташкилотида иш олиб боради. Совет режими томонидан бир неча марта қамоққа олинади. 1924-1925 йилларда Самарқандда қамоқда ўтиради, сўнгра Оренбургга сургун қилинади. Сургундан қайтгач, мавжуд тузумга қарши фаол курашни давом эттиради. Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида бўлиб, аҳолини совет режимига қарши курашга даъват этади.

Носирхон Тўранинг "Тарихи Туркистон" (15 бўлимдан иборат), "Оренбург мактублари" эсдалиги ва бошқа асарлари мавжуд. Алихонтўра Соғунийнинг ёзишича, Носирхон Тўра асли Косон(сой) зодагонларидан бўлиб, у кейинчалик Арабистонда яшаган авлиёоталик ўзбеклар Олтинхон Тўра ва Мубашширхонларнинг қариндоши ва устози эди.

1929 йил баҳорида Носирхон Тўра Авлиёота ва Пишпек шаҳарларида бўлиб, муридлари ва шогирдлари билан учрашган. У 1929 йил 29 октябрда Ранжитда қизил аскарлар билан бўлган жангда ярадор бўлиб, Мозор қишлоғида даволанади. У Дадабой, Мадумар, Истамбек, Мирвали каби қўрбошилар билан қурултой ўтказиб, Фарғона водийсида совет режимига қарши кураш тактика ва стратегиясини ишлаб чиқади. Бу пайтда улар Кушон қишлоғида қўним топганлар. Носирхон Тўра ГПУ айғоқчилари қўлига тушмаслик учун яширинади. 1930 йил июнь ойига келиб фақат Наманганнинг ўзида унинг юзлаб шогирдлари ва муридлари совет ҳокимияти томонидан қамоққа олинади. 26 июнда Тўрақўрғондаги Қоратов этагида Носирхон Тўра ва одамлари билан қизил аскарлар ўртасида жанг бўлиб, унда содиқ дўсти ва шогирди Истамбек қўрбоши ҳалок бўлади. Носирхон Тўра ўғиллари Ҳасанхон ва Эшон Дадахон билан Кошғарга кетаётганда, 1930 йил 15 июлда Ўш округи ГПУ ходимлари томонидан қўлга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивида Носирхон Тўранинг ҳаёти ва тақдири акс эттирилган 18 жилддан иборат П-25412 иш сақланади. Ҳужжатларда кўрсатилишича, Носирхон Тўра 1930 йил бошларида Андижон округидаги Косонсой, Янгиқўрғон, Наманган томонларда қўрбошилар гуруҳини тузганлик (Истамбек қўрбоши, Атантой Сотилғанов билан биргаликда) ва улар билан алоқада бўлганликда айбланиб, 1930 йил 15 июлда "Ўш округидаги Толдик совхози яйловларида чекистлар томонидан қўлга олинган ҳамда Тошкентга конвой билан олиб келинган.

Носирхон Тўра 1930 йил 20 августда терговда ўз қўли билан ёзган маълумотномада кўрсатилишича, *"Мен Носир Камолов тубанда тасдиқ қилурманки, 1929 йилнинг ярмида шўролар ҳукумати бирлан курашмак учун совет ҳукуматини бостириш мақсади бирлан унга қарши қуроллик чиқишни ташкил қилишда иштирок қилдим. Яъни, Шокаптарда бўлиб ўтган қўрбошилар мажлисида иштирок қилишим менинг тарафимдан шуки, тақдим қилганлар Косонда йигитлар тайёрлатиб гуруҳларда мен иштирок этдим".*

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги Шарқ бўлими бошлиғи томонидан 1930 йил 30 июнда Тошкентда тайёрланган "Носирхон, Истамбек ҳамда уларнинг босмачилик ташкилотининг аксилинқилобий фаолияти тўғрисида"ги маълумотномада Носирхон Тўра ва бошқа маҳкумлар тўғрисида маълумотнома (26 бетдан иборат) мавжуд. Бундан ташқари Носирхон Тўра ва сафдошлари ишида 92 нафар шахсга нисбатан айблов хулосаси келтирилади. Тарихчи Рустамбек Шамсутдинов "Қатағон қилинган юртдошларни хотирлаб" деб номланган китобида бу ҳужжатдан айримларини келтириб ўтади:

"1. Носирхон Тўра Саид Камолхонтўраев – 65 ёшда, Косон тумани Косон шаҳридан, тожик, ЎзССР фуқароси, ер-сув ислоҳотида хўжалиги тугатилган, таниқли мударрис, Февраль инқилобидан Октябрь инқилобигача бўлган даврда Наманган шаҳар Думаси аъзоси, аксилинқилобий Қўқон Мухторияти ҳукуматининг собиқ вазири, Наманган диний бошқармасининг собиқ раиси, уйланган (тўрт нафар хотини бор). ОГПУ коллегияси қарори бўйича антисовет фаолияти учун 1925 йилдан 1928 йилгача сургунда бўлган:

а) *1929 йил ўрталаридан аввал ҳаракатда бўлган босмачилар тўдаларини фаоллаштириш бўйича аксилинқилобий иш олиб борган, ўзининг вазифаси қилиб босмачилик фаолияти базасида Фарғона водийсида совет ҳокимиятини ағдариш мақсадида исёнчилик ҳаракатини ривожлантириш вазифасини қўйган;*

*б) шу мақсадларда Истамбек, Дадабой, Мадумар ва бошқа босмачилар қўрбошиларини жалб этган, улар билан махсус кенгашларда босмачилик фаолиятига раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олган ва босмачилик ҳаракатининг синфий-сиёсий вазифаларини аниқ белгилаб олган. Совет ҳокимиятининг қишлоқдаги таянч нуқталарини тугатган, кооперация ва давлат савдосига моддий зарба берган ҳамда қишлоқ фаоллари ва коммунистларидан ўч олган;*

*в) 1929 йил сентябрь-октябрь ойларида Фарғона водийсида босмачи тўдалар ҳаракатига раҳбарлик қилган ва шахсан ўзи Косон шаҳрига ҳужум қилган. Натижада қатор совет ва жамоат ташкилотлари яксон қилинган;*

*г) 1929 йил октябрида ҳаракатдаги босмачи тўдалар тор-мор этилганидан сўнг яширин ҳолатга ўтади ва 30-йил июнигача Истамбек ва Атантой Сотилғанов босмачи қўрбошилар билан биргаликда аксилинқилобий ташкилотнинг кенг тармоғини яратадилар, унинг олдига совет ҳокимиятини йўқ қилиш ва ўрнига Имом Амир бошчилигида мусурмон теократик давлати тузиш учун ҳаракат қилган;*

*д) аксилинқилобий ташкилотнинг раҳбари ва ғоявий илҳомчиси сифатида шахсан ўзи аксилинқилобий ташкилотга аъзоларни ёллаган, бундай ёллашнинг йўл-йўриқлари, услубини кўрсатган, аксилинқилобий ташкилотнинг дастурини ёзган, унинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб берган;*

*е) босмачилар қўрбошиси Истамбек ва собиқ офицер Гумбин билан ҳамкорликда интервенцияга умид қилган ҳолда қўзғолоннинг батафсил режасини ишлаб чиққан ва қўзғолонни 1930 йил май ойида бошлашни белгилаган;*

*ж) қўзғолончиларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида музокара олиб бориш учун Польшага вакил юборишни тайёрлаган ва бу мақсад учун пул маблағлари тўплаган;*

*з) аксилинқилобий ташкилотнинг гуруҳ ва ячейкалари тор-мор этилганидан сўнг Андижон округидан қочган. Аксилинқилобий фаолиятни янгилаш мақсадида 1930 йил июль ўртасида Кошғар чегарасидаги босмачилар қўрбошиси Жонибек Қози ҳузурига йўл олган.*

*Яъни, ЎзССР Жиноят кодексининг 58-67-моддалари, РСФСР Жиноят кодексининг 58-2, 58-11-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганлиги кўрсатилган, ўз айбларини қисман тан олган".*

Ҳужжатда кўрсатилишича, Носирхон Тўранинг "жиноятлари" терговда Гумбин, Самиулла Сафиуллаев, Моможон Умаралиев, Саъдулла Масъудов, Тожибой Йўлдошев, Абдулаҳад Нишонбоев, Мансурбой Шерғозиев, Исроилхўжа Саримсоқхўжаев, Атантой Сотилғанов, Эшон Дадахон Носирхонов, Дадабой қўрбоши, Мадумар қўрбоши, Мирвали қўрбоши, Мулла Фозил Бўлматов, Аббосхон Азизхўжаевнинг "кўрсатмалари" билан фош этилган.

Носирхон Тўра 1930 йил 15 сентябрда даҳшатли қийноқлар остида ўзига берилган барча тергов ҳужжатларини имзолайди. 1930 йил 27 октябрда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллигининг учлик кенгаши (тройка) Тошкент шаҳрида Лев Миронов раислигида ўтказилган йиғилишда 5054-иш кўрилиб, 103-баённома асосида Носирхон Тўра Камолхонтўраев бошчилигида 92 нафар кишига ҳукм чиқарилган. Улардан 12 нафари: Мансурбой Шерғозиев, Матиброҳим Ўринбоев, Жўрабой Қори Мир Исҳоқов, Тўхтасин Болтабоев, Ҳамрохўжа Маллахўжаев, Аббосхон Қори Азизхўжаев, Холмирза Умурзоқов, Ҳожибой Абдубоев, Акромхонтўра Маллахўжаев, Аҳмадшо Муҳамадиев, Ҳасанбой Рустамов, Абдуғани Содиқбоев – Ўзбекистон ССР ЖКнинг 78, 14-78 ва 67-моддалари билан отиб ўлдиришга; 7 нафари: Абдужалил Маматшоев, Мулла Фозил Бобомуҳамедов, Мулла Нўъмон Каримов, Мулла Собит Тошматов, Мадад Furobоқулов, Райимбой Ўрумбаев, Мулла Усмон Қори Дадабоев, Мулла Тожибой Йўлдошев – 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга; 6 нафари: Мулла Исроил Содиқбоев, Мамазокир Шукурбоев, Мулла Турди Аширматов, Абдухалил Абдураззоқов, Муҳамед Содиқ Маҳмудбоев, Аллахон Абдулла Хўжаев – 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга; 2 нафари: Ҳасанхон Носирхон Тўраев, Абдулла Қори Катта Шайхов – 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга; 14 нафари: Қурбонбой Юсуфбоев, Мулла Жўрабой Багибаев, Имомали Қосимбоев, Мамедали Саидмуратов, Аҳмедали Саидмуратов, Домуллажон Абдулқосимов, Мулла Алихон Азизбоев, Абдулаҳад Нишонбоев, Сайфулла Мақсудов, Дадахўжа Оппоқхўжаев, Матиброҳим Баротбоев, Мулла Абдулҳай Қори Дадабоев, Зикриёхўжа Акрамхонов, Абдухолиқ Абдуғаффоров – 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга; 22 нафари 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга; 3 нафари 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга; 6 нафари 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган.

Айбланувчилардан 10 нафари Ўзбекистон ССР ЖКнинг 58, 67, 78, 14-78-моддалари билан ОГПУ учлик мажлисига қадар қамоқда сақланган вақтини ҳисобга олиб, қамоқдан озод қилинган.

Архив ҳужжатларидаги айрим маълумотларга қараганда, Носирхон Тўра Камолхонтўра ўғли 1931 йил 13 апрелда 58 ёшида Тошкент шаҳрида чекистлар томонидан отиб ташланади. Унинг сафдошлари ҳам кейинчалик қатл қилинган. Қамоқдан фақат айрим кишилар кейинчалик озодликка чиққан.

Туркиялик тарихчи М.Эрктук томонидан хорижда чиққан "Milli Turkistan" (Швейцария, 1952) журнали ҳамда "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"нинг 6-жилдида (Тошкент, 2003) Носирхон Тўранинг вафоти санаси 1938 йил 3 сентябрда деб нотўғри кўрсатилган.

Шунингдек, 2021 йил 25 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Суди мажлисида Носирхон Тўра ва бошқаларга оид 92 нафар шахсга нисбатан жиноят иши юзасидан 1930 йил 27 октябрдаги суддан ташқари, ОГПУнинг учлик мажлиси баённомаси кўчирмаси бекор қилинди. Бундан ташқари суд мажлисида келтирилган протестлар қаноатлантирилди ва ЖПКнинг 87-моддасига асосан жами 6 та жиноят иши бўйича 115 нафар шахс оқланди.

**Қаҳрамон РАЖАБОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**профессор,**
**Ўзбекистон ФА Тарих**
**институти бош илмий ходими**



# Замонамизнинг академик ҲАЙКАЛТАРОШИ

1 ***– Татьяна опа, сиз Қозоғистон фарзандисиз. Ўзбекистонга келишингизнинг сабаблари ва ўзбек йигити билан турмуш қуришингиз билан боғлиқ хотиралар билан ўртоқлашсангиз. Рус қизининг ўзбек йигити билан турмуш қуриши осон бўлмагандир?***

– Мен Қозоғистоннинг собиқ пойтахти Олмаота шаҳрида туғилиб, камолга етдим. Ўсмирлик давримда синфдошларим билан мактаб саҳнасида қўйиладиган асарларда турли ролларни ижро этардик. Шунинг учун бўлса керак, менда актриса бўлиш истаги жуда кучли эди. Мактабни тугатар эканман, бу ниятим янада қатъийлашиб, орзуга айланди. Қозоғистонда бу соҳада илм олишнинг иложи йўқлиги туфайли орзуимни амалга ошириш учун Москвада ёки Ўзбекистондагина таълим олишим мумкин эди. Москва узоқлиги учун Тошкентга келиб ўқишга қарор қилдим ва онам ҳам менинг бу қароримни қўллаб-қувватлади. Тошкент театр ва рассомчилик институтига ҳужжатларимни топширмоқчи бўлсам, мен хоҳлаган факультетга етарлича абитуриент қабул қилинганини айтишди. Шундан сўнг театршунослик йўналишига ҳужжатларимни топширмоқчи бўлсам, поликлиникадан соғлигим тўғрисида маълумотнома олиб келишимни айтишди. 17 ёшли қиз бўлсам, бегона юртда нима қилишимни билмасдан турганимда бир йигит поликлиникага бориш йўлини тушунтирди ва ҳужжатларимни топширишга ёрдамлашди. Йигит жуда хушмуомала, маданиятли, камсуқум бўлиб, шу институтнинг 2-курсини тугатган экан. Ўша йигит Илҳом Жабборов эди. Унинг камтаринлиги, камгаплиги менга жуда ёқди.

Бу орада институт талабаси бўлдим. Бир куни у тўсатдан мени овқатланишга таклиф қилди, рози бўлдим. Аммо ошхонага қандай кирган бўлсам, шундай чиқдим, чунки таомимиз лағмон бўлиб, уни ейишга уялганим учун фақат оёғимнинг учига қараб ўтириб, қайтиб чиққанман. Унинг севги изҳори ҳам ўзига хос бўлган. Кунларнинг бирида тўсатдан шундай деган: “Оказывается, я тебя люблю!” Мен уялганимдан қип-қизариб кетдим... Аммо у ота-онаси бошқа миллат вакиласига уйланишга рухсат бермаслиги, шунинг учун тўйимизни курсдошларимиз билан бирга ўтказишимизни, қариндошлар кейин билишини айтди. Шундай қилиб, 1968 йилда мен 1-курсда, у 3-курсда ўқиётган пайтимизда кичкинагина “комсомол тўй”имиз бўлиб ўтди. У пайтларда ўша давр, муҳит таъсирида бундай “комсомол тўй”лар урфга айланган эди.

***– Уйдагилар бу янгиликдан қандай хабар топишди?***

– Орадан 3-4 ой ўтиб, турмуш ўртоғимнинг акаси Султон ака бизнинг ижара уйимизга келди ва менинг кимлигимни сўради. Албатта, бироз тушунмовчиликлар бўлди. Аммо бизнинг бир-биримизга бўлган муҳаббатимиз уларнинг ҳаммасини енгиб чиқди. Султон ака билан қайнотам қаттиққўл кишилар эди, аммо қайнонам роса меҳрибон аёл бўлганлари учун биз тез тил топишиб кетдик. 6 ўғли, 3 қизи бор онахон мени 10-фарзандидай қабул қилдилар. Шундан сўнг биз 6 йил давомида ижарада яшадик, бирин-кетин қизларимиз туғилди.

***– Турмуш ўртоғингизнинг оиласи, болалиги, ёшлиги ҳақида нималарни биласиз?***

– Уларнинг қишлоғи Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида, Тошкент денгизига яқин бўлган Қорасув ариғининг бўйида жойлашган. Онаси Рузвонбиби она уй бекаси, отаси Жаббор ота ҳосилот бўлиб ишлаган. Булар асли Наманган вилоятининг Чуст туманидаги “Олмос” қишлоғидан бўлиб, бу ерларга кўчиб келишган экан. Қайнотам ҳосилотлиги учунми ёки ота-боболаридан меросми, билмадим-у аммо ўғилларининг ҳаммаси боғдорчиликка қизиқишар эди. Қишлоқдаги боғларини кўрсангиз, баҳри-дилингиз очилади. Турмуш ўртоғимнинг акаси Султон Жабборнинг болалар шоири эканлиги, унинг уйга кўплаб китоблар олиб келиб, кутубхона қилгани, ижодкорлар билан уйларида гурунг қилишгани Илҳом аканинг ҳам китобга меҳр қўйишига сабаб бўлган бўлса керак. Бунинг устига тақдир тақозоси билан уларнинг уйида бироз вақт яшаган татар аёли – ўқитувчи опа Илҳом акага биринчи марта ранг-баранг акварель, яъни бўёқлар тўпламини совға қилган экан. Илҳом ака уни олиб, бағрига босиб, чуқур нафас билан ҳидлаганлигини ва шу ранглар ифорини ҳалигача ҳис қилишини айтади. Шундан кейин у расм чиза бошлаган.

Илҳомнинг ижод майдонига кириб келишида акаси Султон Жабборовнинг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлганлиги рост. Унинг ижодкорлиги, шеъриятга ошнолиги, укаларини қўллаб-қувватлаши туфайли деҳқон оиласида ижодкорлар сулоласи яратилди. Бугунги кунда бу ижодий анъанани Султон Жабборовнинг ўғли Комил Жабборов давом эттираяпти. У ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Илҳом Жабборовнинг шогирди. Улар иккаласи кўп асарларни биргаликда яратишган.

***– Икки миллат фарзандларининг муҳаббат риштаалари шунчалик мустаҳкам боғланган эканки, узоқ йиллар умргузаронлик қилиб келаяпсизлар. Айтинг-чи, оила қурган пайтларингиз сизга ўзбек халқининг қандай маросимлари, қадриятлари эриш туюлди ва икки миллат урф-одатлари ўртасида қандай фарқ кўрдингиз?***

– Турмуш қурганимиздан буён ҳам орадан 54 йил шамолдек елиб ўтиб кетганини билмай қолдик. Ўша ёшгина, таваккал қилишдан қўрқмайдиган йигит-қиз бугун минг ўйлаб, бир гапирадиган кексаларга айландик. Урф-одатлар ҳақидаги саволингизга келсак, тўйларимиз пинҳона ва ўша пайтларда урфга кирган “комсомол тўйи” тарзида ўтказилгани учун мен буларни таққослай олмайман. Мендан ҳеч қандай келинлик вазифаси ёки урф-одатларни бажариш талаб қилинмаган. Қишлоққа, қайнона-қайнотамни кўргани борганимизда Илҳом ака бошимга рўмол ўратиб, ўзбек қизларига ўхшатиб олиб борган. Шуни айтишим мумкинки, ўзбек миллий тўйлари ва қадриятлари жуда қадимий. 35 йилдан бери Юнусобод даҳасининг “Мустақиллик” маҳалласида истиқомат қилаётганим учун ўзбек тўйларида жуда кўп қатнашганман, уларнинг келин саломи, келиннинг қайнона-қайнотасини ҳурмат қилиши, уларга меҳр билан хизмат қилиши менга жуда ёқади. Қўни-қўшниларимиз ҳам зиёли, меҳрибон кишилар бўлиб, бирон ширин таом тайёрлашса бизга илинишади. Айниқса, ош дамлашса, албатта, бир коса узатишади. Ўзбек ва рус миллатлари орасидаги қадриятлар бир-биридан






фарқли бўлса ҳам умримнинг асосий қисми Ўзбекистонда ўтгани учун менда ҳам ўзбекона хислатлар шаклланган, деб айта оламан. Қизларимиз ҳам ўзбек қизлари билан ўйнаб, катта бўлишгани учун бугунги кунда чизаётган расмларига ҳам ўзбекона руҳ сингдирилган.

***– Илҳом Жабборовни халқимиз ижодкор, ҳайкалтарош сифатида билади. У оилада ота ва оддий инсон сифатида қандай характерга эга?***

– У жамиятда қандай бўлса, оилада ҳам худди шундай инсон. Оғир-босиқ, камтар, меҳнати ортидан фақат ҳалол луқма ейдиган, юксак инсоний фазилатларга эга фуқаро. Фарзандларига меҳрибон ота.



***– Ҳайкалтарош нималарга қизиқади?***

– У куну тун ўз ижоди, ўй-хаёллари, ижодий режалари билан яшайди, десам тўғри бўлади. Дала-ҳовлимизни жаннатга айлантирган, турфаранг анвойи гуллару мева-чевалардан иборат боғ ҳам у кишининг ижод майдони ва илҳом манбаи. Ҳаттоки, у ерда сигиру товуқлар, асалариларгача бор. Ҳайкалтарошнинг ўзи ҳам асаларига ўхшайди: асалари бол йиғиш илинжида тиним билмаганидек, у ҳам одамларни бетакрор ижод намуналаридан баҳраманд этиш мақсадида тиним билмайди.

***– Турмуш ўртоғингизнинг ижодига қандай қарайсиз? Яратган асарларининг очилиш тантаналарида ҳар доим иштирок этасизми?***

– Соҳамиз бир-бирига яқинлиги сабабли унинг ижоди мен учун ниҳоятда қизиқарли. Бирор тарихий қаҳрамон образини яратишдан олдин у ҳақдаги маълумот йиғишда ёрдам бераман, биргаликда тарихий асарларни ўқиймиз, ўша қаҳрамоннинг ўзига хос фазилатларини излаймиз, қарашлари, характери, кийиниши, барчасини биргаликда ўрганамиз. Тошкентдаги асарларининг очилишида иштирок этганман ва юракдан фахрланганман. Бу асарларни яратишнинг ўзи бўлмаган. Муваффақиятлар ортида қанчалик катта машаққат ётганини яхши биламан.

***– Ҳайкалтарошнинг асарлари орасида қайсилари сизга кўпроқ маъқул?***

– У аввало туғма истеъдод эгаси. У одамга бир қарашдаёқ фикрини, қарашларини англай олиш қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам унинг асарларида яратаётган образининг ички дунёси юзида аниқ акс этади, бу эса ҳайкалга яққол ифода беради, яъни уни жонлантиргандек кўриниш беради. У жуда истеъдодли, ўз фикрига, ўз сўзига эга инсон. Театршунос сифатида шуни айта оламанки, унга тенг келадиган ҳайкалтарош нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ҳам бўлмаса керак. Чунки у яратган буюк асарлар – Алишер Навоий, Амир Темур, Жалолиддин Мангубердининг ҳайкаллари, Мустақиллик майдони монументи, “Бахтиёр она”, “Мотамсаро она” ҳайкаллари, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг қиёфалари ифодаланган ҳайкаллар мангуликка дахлдор ижод намуналаридир. Унинг барча асарларида орзу, юртга муҳаббат, ҳаққонийлик, шараф, надомат, интиқлик, умид, армон, келажакка ишонч туйғулари акс этади. Буларни яратиш осон бўлмаган. Амир Темур ҳайкалини яратиш жараёнида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов билан бир неча бор мулоқот қилишга тўғри келган. Оддий қиличидан тортиб, миниб турган отини ясашгача Биринчи Президентимизнинг маслаҳатларини олганлар. У киши оқилона, доно маслаҳатлари билан ҳайкалтарош яратаётган асар янада мукаммал бўлишига эришишда кўмакларини, маслаҳатларини аямаганлар.

Аслида битта бетакрор ҳайкал яратиш ҳар бир ҳайкалтарошнинг орзуси. Чунки у яратувчисига мангуликка дахлдорлик ато этади. Илҳом ака бундай асарлардан ўнлаб яратган. Мен турмуш ўртоғимга юксак баҳо бермасам ҳам унинг истеъдоди, маҳоратини халқнинг ўзи эътироф этади. Биргина мисол: халқимизнинг севимли шоири, бахт ва баҳор куйчиси Ҳамид Олимжон ҳайкалини яратганида Зулфияхоним: *“Шу пайтгача яратилган Ҳамид Олимжон ёдгорликлари ичида сизнинг асарингиз энг яхшиси. Қўлингиз дард кўрмасин!”* дея унинг ижодини алқаган, эътироф этган.

Менинг ва қизларимнинг, ҳар биримизнинг қиёфасини яратар экан, кўзларимиздаги қувончу ўйчанликкача акс эттира олган. Худди шууримиздаги фикрни уққандай. Ҳайкалтарошнинг ҳар бир асарида ҳар ким ўз ақлу заковатидан-да улуғликни, одамнинг чексиз муҳаббатини, сабру қаноатини ҳис этади. Инсон туйғуларини совуқ тош ёки ёғоч орқали ҳайкал қиёфасида акс эттира олиш эса ҳайкалтарош маҳоратининг нақадар юксаклигини кўрсатади.

***– Эркакларни кўпинча икки хил тоифага ажратишади: вақтини кўпроқ кўчада ўтказадиган ва имкон қадар оиласи бағрига шошиладиган. Илҳом ака қайси тоифага мансуб?***

– Иккинчи тоифага! У вақтнинг, умрнинг қадрига етади. Ижоддан бўшади дегунча, оила бағрига шошади, улфатчиликка вақт сарфламайди. Ҳар бир дақиқани қадрлайди, вақтини ижодга, китоб ўқишга сарфлайди.

***– Халқимиз орасида ҳайкалтарошнинг баъзи ҳайкалларига ҳақ тўланмаганлиги ҳақида гаплар юради. Улар нечоғлик ҳақиқатга яқин?***

– Илҳом ака ҳеч қачон яратган асарларини пуллаш, улар ортидан бойиш мақсадини олдига қўймаган. У ўз Ватанига ҳам, халққа ҳам холис хизмат қилиб келаётган ижодкор. Мақтанишга йўйманг-у, ўзингиз таққослаб кўринг-чи, қайси ҳайкалтарош халқ учун Илҳом акадай холис хизмат қилган? Ҳеч ким! Кунни тунга улаб, ҳаловат нималигини билмай меҳнат қилиб, халқимизнинг энг буюк аждодлари сиймосини яратишга умрини бахшида этиб, авлодларга ўрнак сифатида кўрсата олган ижодкор! У яратган сиймолар пойи ҳамиша зиёратгоҳга айланган.

***– Ҳар доим ҳам ҳайкалтарошнинг меҳнати қадрланганми? Бир гал барчасига қўл силтаб, тоғу тошларга чиқиб кетиб, бироз муддат асаларичилик билан шуғулланганликлари ростми?***

– Меҳнатим қадрлансагина ишлайман, деган ҳайкалтарош ижодкор эмас. Ҳақиқий ижодкор, аввало, ичидаги илҳом чўғини, оловини ижод маҳсулига кўчиради, ўзи, юрти, ёш авлод камолоти учун, аждодлар жасорати, илми, сиймоси абадийлиги учун умрибоқий асарлар яратишга интилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ижод завқи уни тинч қўймайди ва аниқ айта оламанки, ташқи муҳитдагиларнинг унга, унинг асарларига муносабати туфайли у асло ижоддан тўхтамайди. Ижодидан ўзи завқланади, ижодсиз ўтган куни у учун ҳаёт эмас. Илҳом ака ана шундай ҳайкалтарош. Юқорида таъкидлаганимдай у ёшлигидан деҳқончилик, асаларичилик билан шуғулланади ва бундан завқ олади. Шаҳарнинг тош уйларига унинг юраги сиғмайди, кенгликларни қўмсайди. Ахир у ижодкор. Буни тушуниш мумкин. У ҳар қандай ҳолатда ҳам бировга жаҳл қилиб, ижоддан воз кечадиган инсон эмас.

***– Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳайкалини яратишдаги лойиҳа танловида Украина, Туркманистон, Жанубий Корея, Италия, Германия ва Австралиядан 58 нафар ҳайкалтарош иштирок этиб, улар томонидан 68 лойиҳа намойиш этилган, аммо етук мутахассислардан иборат 11 кишилик махсус комиссия томонидан Илҳом Жабборов яратган лойиҳа маъқулланиб, у ғолиб деб топилган экан. Ўша лойиҳанинг яратилиш тарихи, муаллифнинг ҳолатлари, ижодий жараёнлар билан боғлиқ воқеаларни эсласангиз.***



– Тўғри, бу танлов жаҳоннинг энг нуфузли мамлакатларининг иқтидорли ҳайкалтарошлари учун жуда катта имтиҳон бўлди. Бу танловга турмуш ўртоғим ҳам жуда катта масъулият билан ёндошганлар. Ҳайкалтарош Биринчи Президентимиз билан жуда кўп бора, яъни йиллаб мулоқотларда бўлгани, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, юз ифодасини аниқ эслаб қолгани учун ҳам унинг сиймосини аниқ ифодалашга муваффақ бўлди, муболаға билан айтганда, унинг тошдаги тасвирига гўёки жон кирита олди.

***– Президентимиз Шавкат Мирзиёев академик ҳайкалтарош Илҳом Жабборовнинг фидокорона меҳнатларини улуғлаб, уни “Малибу” русумли автомашина билан тақдирлаганлар. Меҳнати қадр топганини кўрган ҳайкалтарошнинг ўша лаҳзалардаги ҳолати қандай эди?***

– Юртбошимизга, халқимизга турмуш ўртоғимнинг ишлари манзур бўлган эканки, уни тақдирлашаяпти, меҳнати қадр топаяпти. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев устози, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳайкали очилгач, ижодкорни ушбу мукофот билан тақдирлади. Нафақат пойтахтдаги, балки Самарқанду Қаршида қўйилган ҳайкаллар учун берилган муносиб баҳо эди бу. Ўша пайтларда Илҳом ака




Москвада, Биринчи Президентимиз ҳайкалининг бронзадан қуйилишида иштирок этаётган паллалари эди. Бу эътибор унга жуда катта куч-қувват ва илҳом бахш этди, шу билан бирга, унинг янада улкан асарлар яратиш учун ижод қўйнига шўнғишига сабаб бўлди.

***– Инсон имконият туғилди дегунча кенгликларни қўмсайди, ҳатто тор "дом"ларни тарк этиб, кенг ҳовлиларда яшай бошлайди. Сизларнинг, айтиш мумкинки, ўзбекнинг ифтихори бўлган Илҳом Жабборовнинг кўп қаватли, бетон уйларда яшашига сабаб нима? "Дом"да ижодхона қилиш муаммо бўлса.***

– “Мустақиллик” маҳалласида 35 йил яшадик, қўшнилар билан ака-ука, опа-сингил каби яқин бўлиб кетганмиз. Жондай, кўздай меҳрибон қўшниларимиз бор. Ишонасизми, ён қўшним Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Жаббор Раззоқов хизмат сафари билан Қозоғистонга борганларида Илҳом ака билан иккаламизнинг ҳурматимиз учун онамнинг уйини излаб топиб, уларни зиёрат қилиб келганлар. Ўшанда онамнинг “Қизим, сен ёлғиз эмас экансан, яхши инсонлар орасида экансан, энди сендан кўнглим тўқ”, деб хурсандчиликдан йиғлаганларини кўрсангиз... Кимда бор шундай оқибатли қўшнилар?! Улардан узоқлашиб, уларни ташлаб бошқа жойга кўчиб кетиб бўладими? Бунинг устига турмуш ўртоғим ҳашамату дабдабани ёқтирмайди. Оддийликни, оддий одамларни яхши кўради. Халқ орасида бўлишни истайди. Маданиятли, зиёли инсонлар бўлган маҳалладошларимиз билан юз кўришиб, диллашиб роҳатланади. “Жаннатмакон Ўзбекистонимнинг бир қарич ери ҳам мен учун ҳар қандай кошонадан афзал”, дейди. Юртини ана шундай меҳр билан севади у. Шу юртда яшаётганимнинг ўзи бир саодат, дейди ҳайкалтарош.

***– Фарзандларнинг қайси бири сиз ва отаси каби ижодкор қалб эгаси?***

– Қизларимиз Лейла ва Нафисанинг иккаласи ҳам рассомлик касбини танлашган. Лейла Тошкентдаги собиқ Бенков номидаги илм даргоҳини, Ленинграддаги Рассомчилик олийгоҳининг бадиий рассомчилик факультетини тамомлаб, бадиий ранг-тасвир мусаввири сифатида ижод қилмоқда. Кўпгина халқаро танловларда иштирок этиб, муваффақиятларга эришаяпти. Нафиса ҳам шу билим юртида дизайнерлик бўйича билим олиб, кейин Тошкент театр ва рассомчилик институтининг китоб графикаси йўналишида билим олди. У ҳам бадиий ранг-тасвир йўналишида ижод қилади.

***– Ўзбек йигити билан турмуш қуриб, умргузаронлик қилдингиз. Албатта, инсон қалбини юрт соғинчи ўртайди. Ўзбекистонда яшаётганингиздан афсусланган вақтларингиз ҳам бўлганми?***

– Аксинча! Мен истеъдодли ўзбек йигити билан танишиб, турмуш қурганимдан бахтиёрман. Шундай қалби пок, чин маънодаги комил инсон, меҳрибон умр йўлдошим борлигидан фахрланаман. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юраги ҳисобланади, буюк алломалар яшаб ўтган юрт бу. Тинч ва фаровон юртда яшаш менга ғурур бағишлайди.

***– Илҳом Жабборовдан нималар кутган эдингиз? Уларнинг қай бири амалга ошди-ю, қайсилари орзулигича қолди? Ҳаётингиз давомида у сизни ўзгартирдими ё сиз уними?***

– Мен ундан бунчалик меҳнаткашликни, обрў-эътиборни кутмаган эдим. Ҳатто тасаввур ҳам қилмаган эдим. У мен орзу қилганимдан ҳам аъло умр йўлдоши бўлди. Мен истеъдодли, қалби пок, камтарин, меҳрибон инсон билан яшаётганимдан ниҳоятда бахтиёрман. Иккаламиз ҳам шу юртга нафимиз тегишидан умидвормиз, бахтиёрмиз. Биз 54 йиллик ҳаётимиз давомида бир-биримизни ўзгартиришга асло ҳаракат қилмадик, аксинча, бир-биримизни тўлдириб яшаяпмиз. Оиланинг бахтли бўлиш сирининг сабаби ҳам шунда бўлса керак.

***– Нималардан афсус ва нималардан фахр туйғусини ҳис этасиз?***

– Ҳеч нарсадан, ҳеч қачон афсусланмайман. Тинч ва осойишта, гўзал Ўзбекистонда, унинг бағридаги худди шундай оилада буюк ҳайкалтарош билан, бунинг устига яхши инсон билан умр китобининг зарварақларини варақлаётганимдан фахрланаман, шукронадаман!

Суҳбатимиз сўнггида таъкидламоқчиманки, бу суҳбат мен учун жуда ёқимли бўлди. Негаки, журналистлар ҳамиша машҳур инсонларнинг ўзларидан интервью олишади, аёллари эса уларнинг соясида қолиб кетади. Аслида эркак кишининг ҳаётда катта муваффақиятларга эришишида аёлининг ҳам ҳиссаси бор. Аёл турмуш ўртоғини тушунмаса, уни муаммоларга кўмиб ташласа, унда бор истеъдод ҳам завол топади. Мен бу мулоқотимизда ичимдаги барча фикрларимни тўкиб-сочдим ва шу билан бирга, умр йўлдошимга бўлган эҳтиромим, меҳрим, ҳурматим янада юксалди. Ушбу лойиҳани амалга ошираётган “Адолат” газетаси таҳририятига ўз миннатдорлигимни билдираман. Бу ғоя ҳам аёлга эҳтиромнинг бир кўринишидир.

***– Раҳмат, Татьяна опа, сизга ҳам бизга қилбингизни очганингиз ва мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур! Икки гўзал жуфтликдан озод ва обод, бахтга тўла, мустақил она юртимизни, унинг ўтмиши, бугуни ва порлоқ келажагини ифода этувчи, бетакрор ва мангуликка дахлдор асарлар кутиб қоламиз!***

**“Adolat” мухбири Саодат МАТЁҚУБ қизи суҳбатлашди.**

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
Котибият — 71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Масъул котиб — Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

info@adolatgzt.uz
adolatgz-95@mail.ru

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 700

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади – 1321
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.